Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
3 ОКТЯБРЬ 1970 й
ШАНБА
№234 (6103).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЛЕНИН ДАРСЛАРИ

КЕЧА пойтахтимиздаги ўрта мактабларда доҳий В. И. Ленининг «Ёшлар союзларининг вазифалари» нутқининг эллик йиллиги муносабати билан Ленин дарслари ўтказилди.

Ўқитувчилар, педагоглар болаларга Ленининг ажойиб фазилатлари, ишлари ҳақида гапирдилар. Шу билан бирга тарихий нутқнинг аҳамияти ва унинг мазмунини тушунтирдилар.

Ленин дарслари ҳамма мактабларда зўр уюшқоқлик ва активлик билан ўтказилди.

СССР Олий Совети Президиумининг фармони

ОЗАРБАЙЖОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Озарбайжон ССР меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва жаҳонда биринчи кўп миллатли социалистик давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлаш йўлидаги курашда қилган катта хизматлари учун, Ватанимиз душманлари билан бўлган жангларда кўрсатилган қаҳрамонликлар ва коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлари учун **Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси Октябрь революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
2 октябрь, 1970 йил.

ОЗАРБАЙЖОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ОЗАРБАЙЖОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ОЗАРБАЙЖОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Озарбайжон ишчилари, колхозчилари, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини ҳамда уларнинг жанговар авангарди — коммунистларни улуғ юбилей билан — Озарбайжон Совет Социалистик Республикасининг ва Озарбайжон Коммунистик партиясининг эллик йиллиги билан қизғин қутлайдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Озарбайжон меҳнаткашлар ҳаётида тарихий бурилиш бўлди, уларни социал ва миллий асоратдан қутқарди. Большевиклар партияси раҳбарлигида ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ташқи ва ички душманларга қарши қардош халқлар ёрдамида кескин синфий кураш олиб бориб, совет ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Боку пролетариати мамлакатимиз революцион ҳаракатининг тарихига ёрқин саҳифалар ёзди. Республика ишчилари, деҳқонлари ва зиёлилари Ленининг социализм қуриш планини амалга оширишда жуда катта ютуқларга эришдилар, Улуғ Ватан урушида совет халқининг немис-фашист босқинчилари устидан қозонган ғалабасига катта ҳисса қўшдилар.

Совет ҳокимиятининг эллик йили мобайнида Озарбайжон ССР халқларининг қардошларча ҳамдўстлиги билан ривож топиб, чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкасидан нефть, химия, машинасозлик, металлургия, кончилик, электротехника, асбобсозлик саноати юксак даражада ривожланган республикага айланди. Шу йиллар ичида саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми қарийб 70 баравар кўпайди. Қишлоқ хўжалигида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Фан, илм ва социалистик маданият мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги айниқса ошди.

Озарбайжон Совет Социалистик Республикасининг ютуқлари — социалистик тузум, ленинча миллий сиёсат, совет халқларининг бузилмас қардошлиги ва дўстлиги тантана қилганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Озарбайжон меҳнаткашларининг муваффақиятлари республика Коммунистик партиясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Озарбайжон Коммунистик партияси ярим асрлик ўз тарихининг ҳамма босқичларида меҳнаткашларни социализм қуриш учун курашга йўллаб турган, уларни коммунизм, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализм идеалларига содиқлик руҳида тарбиялаб келаётган актив ташкилотчи бўлди. Партия ташкилотлари раҳбарлигида Совет Озарбайжони меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига бошланган меҳнат вахтасини муваффақиятли равишда давом эттирмоқдалар, экономика ва маданиятни янада юксалтириш, фан-техника тараққиётини амалга ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, КПССнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун курашмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Озарбайжон ССР ишчилари, колхозчилари ва зиёлиларини юксак ҳукумат мукофоти — Октябрь Революцияси ордени билан чин кўнгилдан қутлайдилар ва Озарбайжон Коммунистик партияси раҳбарлигида республика меҳнаткашлари мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун бундан буён ҳам актив курашадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Яшасин Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин КПССнинг жанговар отряди — Озарбайжон Коммунистик партияси!

Яшасин социалистик Ватанимиз халқларининг ленинча дўстлиги!

Яшасин мамлакатимизда коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — **ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАРДОШЛАРЧА ОИЛАСИДА, ЛЕНИН КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

ОЗАРБАЙЖОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ОЗАРБАЙЖОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

Бундан ярим аср муқаддам Озарбайжонда Советларнинг Қизил байроғи кўтарилган эди. Озарбайжон халқининг бир неча асрлик тарихида туб бурилиш ясаган воқеа юз берди. Ижтимоий ва миллий зулм занжирларини парчалаб ташлаган Совет ҳокимиятининг ғалабаси Озарбайжон ССРнинг ташкил этилишида ўз ифодасини топди.

Озарбайжон меҳнаткашлари ярим аср мобайнида Коммунистик партия раҳбарлигида, мамлакатимиздаги барча халқлар билан мустаҳкам иноқ бўлиб, қолоқликдан тарқиқиёт сари, ибтидоий хўжаликдан юксак даражада ривожланган социалистик экономика сари, феодал ва капиталистик асоратдан эркин ва бахтиёр ҳаёт сари йўл босиб ўтдилар. Озарбайжон ССРнинг ва Озарбайжон Компартиясининг 50 йиллигини қардош республика билан бирга бутун мамлакат байрам қилмоқда.

2 октябрда Боқуда Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Озарбайжон ССР Олий Советининг партия, совет, жамоат ташкилотлари ва Совет Армияси жангчилари намояндалари иштирокидаги тантанали йиғилиши бўлди.

М. Ф. Охундов номли Ленин орденли Озарбайжон Академик опера ва балет театри биноси. Республика Меҳнаткашларининг намояндалари — Совет Озарбайжони шонли ярим асрлик тарихининг бунёдкорлари шу ерга келдилар.

...Эрталаб соат 10. Ўртоқ Л. И. Брежнев, П. Е. Шелест. Д. А. Кунаев, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов партия, совет, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Озарбайжон партия, совет, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, тантаналарда қатнашиш учун келган қардош иттифоқдош республикалар, Қаҳрамон шаҳарлар — Москва ва Ленинград делегацияларининг бошлиқлари, қарбий саркардалар гулдурос қарсаклар остида президиумга чиқадилар.

Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ғ. А. Алиев йиғилиш иштирокчиларига мурожаат қилиб, қисқача нутқ сўзлади.

Биз, Озарбайжонликларнинг ярим аср муқаддам болқиб чиққан озодлик қуёшининг ҳаётбахш нурлари муназзар қилган қадимий диёримизга улуғ байрам келди, деди ўртоқ Ғ. А. Алиев. Улуғ Октябрь, Владимир Ильич Ленин даҳоси билан бунёд этилган коммунистлар партияси Озарбайжон халқига янги бахтли ва порлоқ ҳаёт келтиришди. Зотан, биз тарихга Ленин юбилейи бўлиб кирган йилда совет халқларининг бутун қардошлик оиласи билан бирга-ликда Озарбайжон ССР билан Озарбайжон Компартиясининг эллик йиллигини тантанали ва шодиёна нишонлаётирмиз.

Бугун биз ўтган ярим асрлик йўлга ҳаяжон ва ифтихор туйғулари билан қарайимиз, совет ҳокимиятининг 50 йили мобайнида эришилган ғалабаларга, ҳамма улкан зафарларга якун ясаймиз.

Озарбайжон халқи ўзининг катта миллий байрами кунида ленинчи Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига чексиз садоқатини қайта ва қайта намойиш қилди. Биз ўз ғалабаларимиз ва муваффақиятларимиз учун партиянинг доно сиёсатидан миннатдормиз. Бизнинг фикри-зикримиз Ленин партиясига қаратилган, Озарбайжон халқи Ленин партияси байроғи остида коммунизм йўлидан тобора янги ва катта муваффақиятларга бундан буён ҳам эриша беришга азми қарор қилган.

Биз босиб ўтган эллик йилнинг ҳар бир йили илҳомбахш меҳнат, кураш ва ғалабалар йили бўлди. Биз республикамизнинг бахтли социалистик воқелигига қувониш билан бирга ўз Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини қўлга киритиш йўлида куч-ғайратини ҳам, жонини ҳам аямаган қаҳрамонларнинг шижоатларига миннатдорчилик бажо келтириб, уларни юксак ҳурматлаймиз. Озарбайжон меҳнаткашлари революция баррикадаларида, Граждандар уруши ва Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилиб, халқ бахт-саодати учун курашда ўз жонларини қурбон қилган ўғил ва қизларини ҳеч қачон унутмайдилар.

Ўртоқ Алиев мажлис аҳлидан ҳалол бўлган курашчилар хотирасини ўриниларидан туриб ҳурмат билан эсга олишни сўрайди.

Коммунистик партия тевараги-да маҳкам жипслашган Озарбайжон халқи, деди сўнгра Ғ. А. Алиев, партия режаларини муттасил амалга ошириб келмоқда. Улуғ Ленининг ўлмас васиятларини муқаддас билиб бажармоқда. Озарбайжон меҳнаткашлари Ленин номини дилга жо қилиб, Коммунистик партия изидан, Ленин йўлидан бормоқдалар.

Биз мамлакатимизнинг ҳамма халқларига, сиз азиз меҳмонларга, Совет халқлари ягона кўп миллатли оиласининг аъзолари бўлган оғаниларимиз ва опа-сингилларимизга қизғин ва самимий миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қиламиз.

Коммунистик партия ва совет давлатининг, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг байрамимизда қатнашаётганлиги унга алоҳида тантанаворлик ва зўр аҳамият бахш этади.

Совет кишилари, чет мамлакатларнинг халқлари ўртоқ Брежневни садоқатли ва толмас ленинчи, синалган ва заковатли сиёсий раҳбар, коммунизм иши учун матонатли ва серғайрат курашчи деб биладилар. Партиямиз Марказий Комитетига раҳбарлик қилаётган Леонид Ильич совет давлатининг қудратини мустаҳкамлаш соҳасида ҳормай-толмай жуда катта ва самарали иш олиб бормоқда, коммунистларни, мамлакатнинг барча меҳнаткашларини ленинча бош йўлни муваффақиятли амалга оширишга сафарбар қилиш юзасидан жўшқин ташкилотчилик ва сиёсий ишлар қилмоқда.

(охири учинчи бетда)

БУХОРО ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

Бухородан Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари учун қувончли хабар келди. Кеча область пахтакорлари давлатга пахта сотиш планини бажардилар. Бухоролик пахтакорлар Ватанга 365 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Юбилей йили топшириғи ўтган йилга нисбатан 37 кун илгари адо этилди. Область механизаторлари пахта териш комбайнлари бункеридан 75 минг тонна пахта тўкдилар.

Иккинчи-теримда Бухоро ва Ромитан районларининг меҳнаткашлари пешқадамлик қилишди. Бу районлар шу кунга қадар планни 110—115 процент қилиб адо этдилар. Шофиркон, Свердлов, Қоракўл ва Вобкент районларининг пахтакорлари ҳам топшириқни муваффақиятли бажардилар. Гиждувон ва Когон районларининг деҳқонлари планни бажариш арафасида туришибди.

Далаларда меҳнат кўтаринкилиги авжида. Областнинг 70 колхоз ва совхози, 120 бригадаси пландан ташқари «оқ олтин» топширмоқда. КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдираётган Бухоро областининг пахтакорлари хирмонга яна 100 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар. Бу — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев иштирок этган республика партия актини йиғилиши қарорларига уларнинг жавоби бўлади.

ҚАҲРАМОНОНА, ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ

КАСПИЙ НЕФТЧИЛАРИ БИЛАН САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Л. И. Брежнев, П. Е. Шелест, Д. А. Кунаев, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов ўртоқлар, Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ғ. А. Алиев, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. А. Халилов, Озарбайжон Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. И. Иброҳимов, қардош республикаларнинг бу ердаги юбилей тантаналарида қатнашаётган делегациялари раҳбарлари 1 октябрда Қумлоқ оролига келиб, Каспий денгизи остидан нефть қазиб олаётган катта-катта конларнинг бири бўлган Серебровский номидаги нефть кони бошқармаси ишчи ва хизматчиларининг ҳузурида бўлишди.

Нефть конлари кўздан кечирилиб бўлгандан кейин Каспийнинг қаҳрамон нефтчилари билан учрашув ўтказилди. Озарбайжон ишчилар гвардиясининг намояндалари азиз меҳмонларни гулдурос қарсаклар билан табриклашди.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

У, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан денгиз нефтчиларини, улар орқали эса республика партия ташкилотини ва барча меҳнаткашларини катта байрам — Озарбайжон ССРнинг ва Озарбайжон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги билан чин кўнгилдан муборакбод қилди.

Боқудаги тантаналарга КПСС барча отрядларининг ва мамлакатимиздаги барча республикаларнинг вакиллари қатнашаётганлигини қўриб, ҳурсанд бўлаётирмиз, деди ўртоқ Л. И. Брежнев. Совет Озарбайжонининг юбилейи барча совет халқлари қардош оиласининг байрамига айланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари мамлакатимиз экономикасининг асосий проблемаларини ва уни ривожлантириш истиқболларини ҳикоя қилиб берди. У, қишлоқ хўжалигини юксалтириш масалаларида партиямизнинг йўлини, шу йўлни амалга ошириш пайтида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, совет халқининг турмуш даражасини ошириш вазифаларини батафсил айтиб берди.

Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, деди ўртоқ Л. И. Брежнев, партия ва халқнинг энг муҳим вазифасидир. Мамлакатимиз билан зўравонлик тилида гаплашиш мумкин, деб ҳеч ким ҳомтама бўлмасин, ер куррасида совет халқидан кўра, қаҳрамонроқ халқ йўқ!

Ўртоқ Брежнев Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республиканинг барча меҳнаткашлари партия XXIV съездига яхши меҳнат рапорти билан келадилар деб ишонч билдирди.

Нефтчилар ҳурматли меҳмонларнинг нутқини зўр эътибор бериб тингладилар, унинг нутқини қарсаклар билан, «ура» хитоблари билан, КПСС шаънига, Совет Иттифоқи шаънига айтилган табрик хитоблари билан бир неча марта бўлиб турдилар.

* * *

Худди шу куни Боку шаҳри ҳам айланиб чиқилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Совет Озарбайжонининг пойтахти билан, унинг тарихий ёдгорликлари, архитектура ансамблари, янги қурилишлари билан қизиқиб танишди.

Н. КОЛЕСОВ,
М. БАРАТЯНС.
(ТАСС махсус мухбирлари).
Боку, 1 октябрь.

СОВЕТ ОЗАРБАЙЖОНИ ЭЛЛИК ЁШДА

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар!
Дўстлар!

Бугун Озарбайжон меҳнаткашлари, бутун совет халқи катта байрамни нишонламоқдалар. Биз Озарбайжон Коммунистик партияси ташкил топган ва республикада Совет ҳокимияти ўрнатилган кунининг 50 йиллигини байрам қилмоқдамиз. Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси ярим аср муқаддам синфий жанглар алангасида туғилди. Улуғ Октябрь революциясидан руҳланган пролетариат ва меҳнаткаш деҳқонлар буржуа-помешчиклар реакцияси ва чет эл империализми кучлари устидан тарихий ғалаба қозондилар.

Аввало бугунги тантанали мажлис қатнашчиларини, улар орқали Озарбайжоннинг барча ишчиларини, колхозчиларини, зиёлиларини — ҳамма меҳнаткашларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан Озарбайжон Коммунистик партиясининг ва республика Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг шонли 50 йиллик юбилейи билан қизғин табриклашга ижозат бергайсиз.

Озарбайжон халқи революцион курашининг бутун тарихи Ленин номи билан, большевиклар партияси билан чамбарчас боғланган. Ленин Озарбайжон Коммунистик партиясини тузишнинг, унинг меҳнаткаш оммаси Совет ҳокимияти ғалабаси ва уни мустаҳкамлаш учун олиб борган курашнинг илҳомчиси бўлди. Республикадаги социалистик тўб ўзгаришларга Ленининг бевосита раҳбарлигида замин солинди, Ленин ғоялари ҳозир ҳам Озарбайжон меҳнаткашларига янги ғалабалар йўлини, коммунизм йўлини ёритиб турибди.

Ленин барпо этган улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида Озарбайжон ҳақли равишда муносиб ўрин олди.

Сизнинг республикангизга табиат саховат бахш этган, унинг жуда катта табиий бойликлари бор. Озарбайжон кўп ўн йилликлардан бери мамлакатимизнинг саноат жиҳатидан юксак даражада ривожланган районларидан бири бўлиб келмоқда, бу ерда саноатнинг баъзи бир муҳим тармоқлари анча қадимдан, Россияда капитализм ривожланаётган даврдаёқ вужудга кела бошлаган эди.

Озарбайжон ишчилар синфининг шонли революцион анъаналари бор. Закавказьенинг муҳим пролетар марказларидан бири бўлган Бокуда XIX аср охирларидаёқ дастлабки марксистик тўгаракла-ри пайдо бўлганлиги бежиз эмас. Россиядаги пролетар революцион ҳаракати билан узвий боғлиқ равишда Боку партия ташкилоти тузилиб, мустаҳкамланди, бу ташкилот Закавказьедаги ишчилар синфининг душманларига қарши курашда ленинчи партиямизнинг таянчи бўлди.

Боку коммуначининг фаолияти қаҳрамонлик ва фидокорликнинг шонли эпопеяси бўлди. Унга Степан Шаумян, Мешади Азизбеков, Алеша Жапаридзе, Иван Фиолетов, Григорий Корганов, Яков Зевин, Мир Гасан Везиров ва Ленин ғвардиячиларининг бошқа довюрак жангчилари бошчилик қилдилар. Уларнинг номларининг ўзи-ёқ Боку пролетариати азалдан шуҳрат қозониб келган интернационализмини шонли анъаналарини ёрқин ифодалайди.

Закаспий чўлларида инглиз империалистлари томонидан вахшиёна ўлдирилган йигирма олти Боку комиссарининг жасорати халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Қаҳрамонларнинг шижоати оташин даъват бўлиб янгради, у коммунизм учун минг-минглаб мард курашчиларни революция байроғи остига тўплади.

1920 йил февралида барпо этилган Озарбайжон Коммунистик (большевиклар) партияси аввал бошданоқ ленинчи Коммунистик партиянинг таркибий қисми, унинг жанговар отряди бўлиб қолди.

Ленин Озарбайжонда Совет ҳокимияти учун курашувчиларга кун сайин ёрдам ва мадад бериб, коммунистларни революцион руҳда тарбиялаш, уларни ташкилий ва ғоявий жиҳатдан ўстириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб турди. Озарбайжон Коммунистик партияси Ленин васиятларига амал қилиб, ўтган ярим аср мобайнида шонли йўлни босиб ўтди. Совет ҳокимиятининг душманларига қарши жангларда, мамлакатни социалистик негизда қайта қуриш йўлидаги меҳнатда, ўтган урушда Ватанни ҳимоя қилиш учун олиб борилган курашда Озарбайжон Коммунистик партияси чиниқди ва мустаҳкамланди. Озарбайжон коммунистлари ўзларининг бутун тарихи давомида ленинчи Марказий Комитетнинг содиқ таянчи, революция иши учун ва социализм иши учун актив курашчи бўлиб келдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан Озарбайжон коммунистларини Озарбайжон Коммунистик партиясининг шонли юбилейи билан қизғин табриклашга ижозат бергайсиз, ўртоқлар. Улуғ Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида коммунистик қурилишда сизларга янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат этгайсиз!

Озарбайжон халқи ўз ривожида катта йўлни босиб ўтди, лекин унинг чинакам тарихи аслида бундан эллик йил аввал, Озарбайжон ишчилари ва деҳқонлари рус пролетариатининг, Қизил Армия қисмларининг қардошлик ёрдами билан манфур буржуа — помешчикларнинг мусоватчилар ҳукуматини ағдариб ташлаганидан кейин бошланди. Озарбайжон халқи учун миллий озодлик ва социал адолат йўли очилди.

Ленин Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Дағистон, Тоғли республика коммунистларига 1921 йилда ёзган хатида бундай деган эди: «Кавказдаги Совет республикаларини кизғин қутлаш билан бирга уларнинг яқин иттифоқи буржуазия даврида мисли кўрилмаган ва буржуа тузумида имкони бўлмаган миллий аҳиллик намунасини яратади, деб умид билдиришни жоиз топаман».

Эксплуататор синфлар авж олдириб келган ва неча марталаб фожиали тўқнашувларга олиб борган Закавказье халқларининг миллий адовати ва ноаҳиллигига Совет ҳокимиятининг ғалабасигина барҳам берди. Озарбайжонда Совет ҳокимияти ғалаба қилганлиги, унинг социалистик тўб ўзгаришлар йўлига кириб олганлиги халқ оммасининг ижодий имкониятларини тўла-тўкис ривожлантириш, эрингиз сийнасида яшнаб ётган бойликлардан кенг кўламда фойдаланишни авж олдириш, бу бойликларни халққа хизмат қилдириш имкониятини туғдирди.

Озарбайжон меҳнаткашлари ўз тақдирининг хўжайинлари бўлиб олиб, вайрон бўлган хўжаликни Компартия раҳбарлигида, мамлакатимиздаги барча қардош республикаларнинг актив иштирокида тез қайта тиклаб олдилар, қудратли социалистик индустрияни қурдилар. Ленининг кооператив планини қишлоқ хўжалигига жорий этдилар. Ўтмишнинг энг яхши маданий бойликларини бутун халқнинг мулкига айлантирдилар, янги, социалистик маданиятни барпо этдилар.

Аҳолисининг жуда кўпчилиги революцияга қадар саводсиз бўлган Озарбайжон ёппасига саводхон республикага, маориф ва маданият юксак даражада ривожланган республикага айланди.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАЛБ ҲАРОРАТИ БИЛАН

Жаҳон пролетариатининг буюк доҳийси В. И. Ленин комсомолнинг III съездида «Ёшлар» союзларининг вазифалари»деган нутқини сўзлаганига эллик йил бўлди. Бу оташин нутқ ёш Советлар мамлакатининг йигит ва қизларини улуғворишларни амалга оширишга чорлади. Комсомол ҳар вақт ва ҳар бир ишда муносиб жасорат кўрсатди.

ШУ КУНЛАРДА ОНА-ВАТАНИМИЗДА УЛУҒ ДОҲИЙНИНГ АНА ШУ ҚУТЛУҒ НУТҚИ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНМОҚДА. У ТАШАББУСКОРЛИК ВА МЕҲНАТ БАЙРАМИГА АЙЛАНИБ КЕТДИ.


Тўқимачиларнинг тортиғи

Бугун

Тошкент тўқимачилик комбинати эрта тонгданоқ гавжум бўла бошлади. Юзлаб лобар тўқимачи қизлар фабрикадаги ўз ўринларини эгалладилар. Яна дастгоҳларнинг бир меъёрда гуриллаган овози тарала бошлади.

Комбинатнинг илғор комсомол ёшларидан М. Юсупова, С. Раҳматуллаева, Д. Нурмуҳаммедова, З. Тошмуҳаммедова сингари тўқимачилар шанбаликда ўз дугоналарига меҳнат намунасини кўрсатдилар.

Комбинатда ўтказилган шанбаликда 3 миггга яқин ёш қатнашди.



Яқин йиллар ичида Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси қошида бир қанча янги павильонлар қурилади. Булардан бири республикамизнинг асосий бойлиги—пахтачилик павильони бўлади. Павильон қошида ташкил этиладиган кўргазма республика деҳқонларининг пахтачилик соҳасида эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади, шунингдек энг замонавий техника билан жиҳозланади.

СУРАТДА: бўлажак пахтачилик павильонининг кўриниши (макет).

М. Нуриддинов фотоси.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқининг давоми

(Боши биринчи бетда).

Оғир синов йилларида — Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик тузумнинг буюк кучи яна бир карра яққол намоён бўлди. Москва ва Ленинград бўсағаларида, Волга соҳилларида ва Кавказ тоғларининг этакларида фашист босқинчиларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда Советлар мамлакатининг ҳаёт-мамот масаласи, Улуғ Октябрь ғалабаларининг ҳаёт-мамот масаласи ҳал этилди. Гитлерчилар муҳим стратегик ресурсларга эга бўлган Бокуни қўлга киритишга ҳам катта умид боғлаганликларини сизлар яхши биласиз. Лекин авантюристларнинг режалари Қуролли Кучларимиз билан бутун совет халқининг қаҳрамонона зарбасига дуч келиб, тўла мағлубиятга учради.

Гитлерчилар Совет Иттифоқи синовга бардош бера олмайди, айрим-айрим давлатларга парчаланиб кетади, деб ўйлаган эдилар. Лекин мамлакатимиз халқлари оғир дамларда тағин ҳам маҳкам, бир бутун бўлиб жипслашдилар. Улар фронтдаги жасоратлари ва мамлакат ичкарисидаги фидокорона меҳнатлари билан совет социалистик тузумининг мустаҳкамлигини, халқлар дўстлигининг ленинча байроғига содиқ эканликларини исбот қилдилар.

Озарбайжоннинг ўн минглаб жангчилари гитлерчи босқинчиларга қарши жангларда кўрсатган шуҳрати ва қаҳрамонлиги учун СССР орден, медаллари билан мукофотландилар, 114 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан Ази Асланов, Владимир Баландин, Мехти Гусейнзода, Степан Федоренко, Исрафил Мамедов, Кафур Мамедов, Вазген Оганесов, Герай Асадов ва бошқа кўпдан-кўп озарбайжонликларнинг шонли шижоатлари халқимизнинг эсида.

Озарбайжоннинг ўғил-қизлари мамлакат ичкарисидаги ишлари билан ҳам душманни тор-мор келтиришга катта ҳисса қўшдилар. Денгизда, қуруқликда ва осмонда Совет Армиясининг душмандан устунлигини таъминлашга, Совет бронетанк қўшинлари ва авиация қўшилмаларининг улуғвор стратегик операцияларига Боку нефтчилари катта ҳисса қўшдилар. Улар энг қийин шароитларда армияни ва мамлакат халқ хўжалигини ёқилғи билан узлуксиз таъминлаб турдилар, ўша вақтда бутун Совет нефтининг салкам тўртдан уч қисмини бердилар.

Улуғ Ватан урушидаги ғалабадан кейин орадан чорак аср вақт ўтган ҳозирги кунда биз фашизмга қарши ҳаёт-мамот жангида ўз жонларини қурбон қилган халқимиз шонли ўғил-қизлари порлоқ хотираси олдида таъзим қиламиз, уларни ҳурмат билан эсга оламиз, мамлакат ичкарисидаги совет кишиларининг фидокорона меҳнатини миннатдорчилик билан хотирлаймиз. Социалистик Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида Совет Иттифоқи халқлари қилган жанговар ва меҳнат шижоатининг улуғворлиги асрлар бўйи сўнмайди!

Совет ҳокимиятининг эллик йили мобайнида Озарбайжон ҳаётида рўй берган жуда катта ўзгаришлар ўртоқ Алиев докладида равшан кўрсатиб берилди. Ленин Закавказье республикаларининг намунали тарзда йўлга қўйилган социалистик ҳаёти бутун кўп миллионли Шарқда бизнинг ишимиз учун энг яхши агитация, энг яхши пропаганда бўлади, деб ҳисоблаб, Закавказьеда социализм қурилишига бениҳоя катта эътибор берганлигини ҳаммамиз биламиз.

Бугун Совет Озарбайжонининг ярим асрлик юбилейи нишонланаётган кунда биз мамлакатимизнинг ҳамма халқлари берган қардошлик ёрдамида республика меҳнаткашлари Ленин наказини шараф билан бажараётирлар, деб фахрланиб айта оламиз. Россия империясининг собиқ мустамлака чекка ўлкасидан мамлакатимизнинг коммунизм қураётган ва гуллаб-яшнаб турган республикаларидан бирига айланган Совет Озарбайжони — социализм қудратли ижодий кучининг яққол далилидир. Ёш миллий давлатлар учун, социал ва миллий-озодлик йўлида курашаётган халқлар учун илҳомбахш намунадир.

Ҳозирги Озарбайжон — кўп тармоқли йирик индустрияга, юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигига, ўзига хос социалистик маданиятга эга бўлган республикадир.

Бундан атиги бир неча ўн йил муқаддам Озарбайжон фақат нефть ўлкаси деб танилган эди. Ҳозир ҳам биз ҳаммамиз Озарбайжон нефтчиларининг эришган муваффақиятларидан қувонамиз ва бутун мамлакат учун жуда муҳим бўлган уларнинг меҳнатини қадрлаймиз, албатта. Лекин ҳозир Озарбайжон экономикасини саноатнинг қора ва рангли металлургия, нефть машинасозлиги ва асбобсозлик, электр-техника, химия ва нефть химияси саноати сингари муҳим тармоқлари ҳам характерлаб турибди.

Озарбайжон ишлаб чиқараётган пўлат ва прокат, трубалар ва рангли металлар, синтетик каучук ва минерал ўғитлар, шиналар, электр двигателлар, насослар мамлакатнинг халқ хўжалигида сезиларли роль ўйнамоқда. Озарбайжон индустрияси маҳсулотини Закарпатье ва Сахалинда, Муз океани соҳилларида ва Туркманистоннинг жазирама чўлларида учратиш мумкин.

Республиканинг маҳсулоти Совет Иттифоқининг ташқарисида ҳам машҳур. Бу ерда, Каспий соҳилларида тайёрланган 300 хил саноат маҳсулоти дунёнинг салкам 60 мамлакатига етказиб берилмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси — Озарбайжон Совет ҳокимияти йиллари мобайнида юксак индустриал даражага эришганлигидан яққол далолат беради.

Республиканинг социалистик қишлоқ хўжалиги ҳам катта муваффақиятларга эришди. Суғориладиган ерлар майдони революциядан аввалги даврга нисбатан икки баравар кўпайди. Давлат колхозчилар билан совхозларнинг ходимлари қўлига ўн минглаб трактор, комбайн, пахта териш машинаси, юк автомобили бериб қўйди. Республиканинг илғор колхоз ва совхозлари замонавий техникадан омилкорлик билан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил, чорвачиликдан кўп маҳсулот олишга эришмоқдалар.

Озарбайжон халқининг турмуш ва ҳаёт шароитлари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бокунинг революциядан аввалги ҳаётини яхши билган Алексей Максимович Горький бу шаҳарни қуйидагича тасвирлаган эди: «Ишчиларнинг тарашланмаган сарғиш ва кулранг ҳарсанг тошлардан тартибсиз вишкалар орасида бир амаллаб ясалган узун, пастқам казармалари ибтидоий одамларнинг ертўлаларига жуда ўхшаб кетади. Одам турадиган жой атрофида ҳар хил ахлат ва ташландиқлар шу қадар кўп, ғорни эслатадиган кулбалар хароб-қашшоқ, деразаларининг ойнаси шу қадар кўп синган жойини ҳеч қачон кўрмаганман».

Чор Россияси шароитида Боку ана шундай эди. Лекин Бокунинг бу қиёфасини қарияларгина эслашади.

Тақдир тақозоси шундай бўлдики, мен Озарбайжонга биринчи марта келишга муяссар бўлдим; унинг пойтахтини ҳам биринчи бор кўрдим. Эҳтимол, кўрганларимдан олган таассуротларим шунинг учун ҳам таъсирли бўлса керак. Ростини айтсам, Боку — гўзал шаҳар экан! Уни жонажон ўлкани қизғин севадиган, миллий анъаналарни ардоқлайдиган ва айни вақтда замонавий шаҳарсозлик муваффақиятларидан моҳирона фойдаланадиган кишилар қурганлиги ва қураётганлиги кўриниб турибди. Бундай шаҳарда яшаб, меҳнат қилиш мароқлидир.

Бу ерда, Бокуда мен ажойиб ҳайкални кўрдим, унда қаҳр-ғазаб билан чодирини улоқтириб ташлаётган Озарбайжон аёлининг озод бўлиш тимсоли тасвирланган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқсиз ва чўрилик ҳолатини билдирувчи чодир улар учун нақадар кўнгилсиз хотира бўлиб қолганлигини яхши биласизлар. Аслида у қамоқ панжарасидан унчалик фарқ қилмас эди, тафовут фақат шунда эдики, хотин-қизлар ўз панжарасини қўлида кўтариб юрарди.

Хотин-қизларни озодликка чиқариб, уларга эрк бериш Совет ҳокимиятининг биринчи галдаги вазифаларидан бўлди. Совет ҳокимияти хотин-қизларни социалистик жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айлантирди. Хотин-қизлар соғлиқни сақлашда ва халқ маорифида эркакларни анча «четга чиқариб» қўйдилар. Уларнинг кўплари инженер, агроном, илмий ходим бўлиб ишламоқда. Ҳозир Озарбайжон хотин-қизлари республика халқ хўжалигидаги ҳамма ходимларнинг 40 процентини ташкил қилади. Республика ва СССР Олий Советларига меҳнаткаш хотин-қизлардан кўп киши сайланган.

Масалан, мана шу залда нақадар кўп хотин-қизлар ўтирганига назар ташланг. Бу — тамомила қонуниятли бир ҳолдир, чунки Озарбайжон халқининг қизлари ҳозир ўз республикаси экономика ва маданиятида кўпгина асосий лавозимларни эгаллаб турибдилар, масъул хўжалик, давлат ва партия лавозимларида ишламоқдалар. Ишлаганда ҳам жуда яхши ишламоқдалар! Юбилей тантанали мажлисимиз қатнашчилари шу залга қанчадан-қанча олтин юлдузларни, орден ва медалларни тақиб келишди. Ватаннинг бу мукофотлари ер юзи хотин-қизлари илгари ҳеч қачон тақмаган энг яхши зийнатлардир!

КПСС Марказий Комитети шунга аминдирки, республика партия ташкилоти энг муҳим ишга — меҳнаткаш хотин-қизлар турмуши тўғрисида, уларнинг маънавий ўсиши тўғрисида, уларни социалистик ишлаб чиқаришга, ижтимоий ҳаётга, давлат ишларини бошқаришга актив жалб қилиш ҳақида ғамхўрлик қилишга бундан буён ҳам жуда катта эътибор беради.

Ўртоқлар, бугунги тантанали байрам кунида республика экономикаси гуркираб ривожланаётганлигини таъкидлаш билан бирга шу ўлкани ўз меҳнати билан гуллаб-яшнатган кишиларга, ўз қўллари билан ҳамма моддий бойликларни яратаётган Озарбайжон меҳнаткашларига сидқидилдан миннатдорчилик сўзлари айтмоқчиман.

Ҳамиша бўлганидек, шонли ишчилар синфи пешқадам бўлиб бормоқда. Озарбайжон халқ хўжалигидаги кўп сонли ишчилар отряди — жуда катта куч. Шуниси айниқса муҳимки, ҳозирги совет ишчилари, одатда, яхши умумий билим ва профессионал маҳоратга эга бўлган, замонавий техникани билиб олган, ўзининг ватанпарварлик бурчини юксак онглилик ва масъулият билан бажараётган кишилардир.

Озарбайжон ишчилар синфи — Боку пролетариати бошлаб берган шонли революцион ва меҳнат традицияларининг муносиб давомчисидир.

Бу традицияларни ривожлантириш ва кўпайтира бериш, ўсиб келаётган авлодга авайлаб топшириш — бутун ишчилар синфининг, партия, касаба союз, комсомолнинг, барча жамоат ташкилотларининг шарафли ишидир. Ишчиларнинг ўрнини босадиган муносиб ёшларни тайёрлаш, уларни меҳнатга меҳр-муҳаббатли қилиб ўстириш, ўз оталари ва акаларининг ишларини давом эттириш учун масъулиятни сезадиган қилиб тарбиялаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишимиз керак деб ўйлайман.

Ўртоқлар! Юбилейингизни байрам қилиш бутун Ленин комсомоли, барча совет ёшлари партиямиз ва бутун совет халқи нишонлаётган яна бир улуғ санага тўғри келиб қолди. Россия Коммунистик ёшлар союзининг бутун Россия III съездида Владимир Ильич Ленин «Ёшлар союзининг вазифалари» деган ўзининг машҳур нутқини сўзлаган кунга роса 50 йил тўлди.

Совет Озарбайжони эллик ёшга кирди. Лениннинг Советлар мамлакати ёшларига тарихий мурожаат қилганига эллик йил тўлди. Мана шу икки воқеа бир кунда содир бўлган воқеа бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга уларнинг ўртасида чуқур тарихий боғланиш ҳам бор.

Россия Коммунистик ёшлар союзининг III съезди очилмасдан уч ҳафта олдин шу ерда, Бокуда Шарқ қизил ёшларининг биринчи съезди тўпланганлиги Озарбайжон комсомоли ветеранларининг эсида бўлса керак. Шу съезд туғилиб келаётган янги турмушнинг қийин шароитида ёшлар ҳаракати йўлини қидириш билан шуғулланган эди. Сўнгра Шарқ ёшларининг вакиллари Москвага комсомол съездига келишди,- улар Владимир Ильич Лениннинг машҳур нутқини эшитишга, ўз ишлари ва курашларининг аниқ программасини, айтиш мумкинки, бевосита Лениннинг ўзидан олишга мушарраф бўлишди.

Лениннинг ўша нутқи ҳақиқатан ҳам ажойиб ҳужжатдир. Унинг ғоят зўр аҳамияти вақт ўтган сари тобора равшан аён бўлмоқда.

Владимир Ильич ўша нутқни сўзлаб турган пайтда, контрреволюция ва чет эл интервенциячилари билан қуролли кураш ҳали тугамаган даврда, мамлакат халқ хўжалигида вайронлик бўлиб турган даврда, замондошларнинг айтишларига қараганда, Ильичнинг Советлар мамлакати ёш авлодига «Вазифа ўқишдан иборат», деб қилган мурожаати баъзи кишиларга кутилмаган бир нарса бўлиб кўринган, улар бу даъватнинг чуқур маъносини охиригача тушуниб етмаган эдилар.

Лекин ёшларимизни коммунизм қурувчилар қилиб тарбиялайлик деб Ленин берган шу кўрсатманинг, Ленин қилган аҳа шу даъватнинг тўла-тўкис аҳамияти ўшандан бери йил сайин, ўтган ҳар ўн йил сайин тобора кўпроқ равшанлик билан ва тобора аниқ бўлиб аён бўлаберди.

1920 йилда Ленин нутқини эшитган кишилар, Советлар мамлакати революцион ёшларининг пешқадамлари амалда социализм қурилиши бошлаб бериб, мамлакатни индустрлаштиришнинг, қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришнинг актив қатнашчилари бўлдилар. Лениндан тарбия олган ўша азаматлар улуғ Ватан уруши бошланиши биланоқ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга кўкрак кериб чиқдилар, у қурган социализмни фашист агрессордан ҳимоя қилиб сақлаб қолдилар. Улар улуғ йўлбошчининг васиятларига охиригача содиқ бўлиб қолишди, ўзларининг барча ишлари билан, ўзларининг бутун ҳаётлари билан буни исботладилар.

Ленин орзу қилган, коммунистик қурилиш иши билан шуғулланишга тайёрланинглар, деб Ленин даъват қилган иш билан совет халқи банд бўлиб турган ҳозирги кунларда ҳам Лениннинг доно сўзлари биз учун энг актуал, конкрет кўрсатма бўлиб, коммунизм қурувчиларнинг ёш авлодига партия берган йўл-йўриқ бўлиб янграмоқда.

Дарҳақиқат, Владимир Ильич совет ёшларининг **ўқиш ва ўрганиш соҳасидаги** вазифаларини қандай таърифлаб берганлигини эслаб кўринг:

«...Бутун кишилик билимларининг ҳаммасини усталик билан билиб олишни вазифа қилиб қўймоғимиз лозим ва буни шундай билиб олиш кераки, коммунизм сизнинг қандайдир ёдлаб олган нарсангиз бўлмасин, балки ўзингиз атрофлича ўйлаб кўрган бир нарса бўлсин, ҳозирги замон билими нуқтаи назаридан муқаррар келиб чиқадиган хулосалардан иборат бўлсин».

Ҳозирги кунда ҳам мана шунинг ўзи бизнинг социалистик жамиятимизда ёшларга берилаётган билимнинг сиёсий маъносини жуда аниқ белгилаб берган таърифнинг ўзи эмасми ахир, маориф ва маданият масалаларига синфий, партиявий ёндошишнинг энг лўнда ифодаси эмасми? Албатта, худди шунинг ўзи. Ёшларга ва бутун халққа билим бериш ва уларни сиёсий жиҳатдан тайёрлаш ишини ташкил этишда партия Лениннинг мана шу йўл-йўриғига амал қилмоқда ва бундан буён ҳам амал қилаберади, чунки фақат мана шу йўл билангина чинакам, эътиқодли коммунистларни, коммунистик жамият қуришдан иборат бўлган улуғ ишни кенг авж олдириб, охиригача етказа оладиган кишиларни тарбиялаб етиштириш мумкин.

Ўша вақтда, 1920 йилда Владимир Ильич Ленин коммунизм учун курашувчи ёшларнинг **хўжалик қурилиши соҳасидаги** вазифаларини ҳам қандай таърифлаб берганлигини эслаб кўринг. Ленин бундай деган эди:

«Бизнинг олдимизда бутун мамлакат хўжалигини тиклаш, деҳқончиликни ҳам, саноатни ҳам ҳозирги замон техникаси асосида, яъни ҳозирги замон фани ва электрига негизланган техника асосида қайта қуриш, тиклаш вазифаси турибди».

Мамлакатимиз социализм қуришда Ленин кўрсатиб берган мана шу йўлдан борди. Социализм вояга етказган, янги техникани эгаллаб олган янги кишилар Ленин тузиб берган режаларни амалга оширабориб, қаҳрамонона меҳнат мўъжизаларини кўрсатдилар. Ажойиб стахановчилик ҳаракати мана шу шароитда туғилди. Бу ҳаракатнинг ўттиз беш йиллигини мамлакатимиз яқинда нишонлади.

Лениннинг нутқидан мен келтирган сўзлар ёшларимизнинг ва бутун совет халқининг **бугунги** кундаги вазифаларини, йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидаги фан-техника революциясининг энг яхши муваффақиятларини совет халқи қурган социалистик жамиятга тўла равишда хизмат қилдиришдан иборат тарихий вазифа олдимизда турган ҳозирги вақтдаги вазифаларнинг ҳам аниқ ва чуқур тавсифлаб берган сўзлар эмасми, ахир?

Албатта, худди шундай. Шу сабабли бизнинг партиямиз Лениннинг мана шу дастурига бундан буён ҳам амал қилаберади, чунки бу дастур коммунизм қуришнинг асосий вазифаларидан бирини ҳал қилиш йўлини бизга очиб беради. Партия Марказий Комитетининг 1969 йил декабрь Пленуми ва 1970 йил июль Пленуми қарорларини амалга ошириш, мана шу йўлдаги муҳим босқичларнинг бири бўлиши лозим.

Ўртоқлар! Бу йил — Ленин юбилей йили айни вақтда беш йилликнинг тугалловчи йили ва партия XXIV съездининг арафаси ҳамдир. Шунинг учун ҳам бу йил совет кишиларининг меҳнатдаги активлиги ғоят баланд даражага кўтарилди — социалистик мусобақа янада юксалди. Корхоналарнинг ишчилари ва хизматчилари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, шу негизда маҳсулот чиқаришни янада кўпайтириш учун курашмоқдалар. Улар ўзларининг социалистик мажбуриятларида меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштиришга, буюмлар сифатини яхшилашга, хом ашё ва материалларни тежашга доир конкрет ташкилий ва техникавий тадбирларни кўзда тутаётганликлари диққатга сазовордир.

Умумхалқ мусобақасида Озарбайжон меҳнаткашлари ҳам актив қатнашмоқдалар. КПСС XXII съезди номидаги Каспий нефтькон бошқармасининг (Нефть тошлари), Янги Боку нефтни қайта ишлаш заводининг, Боку электр машинасозлик заводининг, нефть машинасозлигининг ветерани — лейтенант Шмидт номли заводнинг, республика рангли металлургиясининг тўнғичи Сумгаит алюминий заводининг коллективлари катта муваффақиятларга эришдилар.

Ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, республика меҳнаткаш зиёлилари шонли намояндаларининг, ўз меҳнати билан ватанпарварлик бурчини бажариш учун яхши ўрнак кўрсатаётган кишиларнинг номларини халқ бутун фахрланиб тилга олмоқда. Кези келгандан фойдаланиб, мен партиямиз Марказий Комитети номидан уларнинг ҳаммасига фидокорона меҳнатлари учун сидқидилдан катта раҳмат айтмоқчиман.

Шу йилнинг охирида мамлакат беш йиллик планнинг бажарилиш якунларини тўплайди. Умуман мамлакатда, шунингдек Озарбайжон ССРда қилган ишларимизнинг баъзи кўрсаткичлари тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ фикр юритишимиз мумкин.

Бемалол айтиш мумкинки, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришда, социалистик экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда, совет халқининг моддий фаровонлигини оширишда янги юксак марраларга эришилди. Ҳозирнинг ўзида ҳам равшан кўриниб турибдики, КПСС XXIII съездининг беш йиллик планга доир Директивалари асосан бажарилади. Беш йил ичида мамлакат саноати ишлаб чиқаришни тахминан бир ярим баравар кўпайтиради, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анчагина миқдорда ошади.

«Луна-16» космик станциясининг учиши яқинда зўр муваффақият билан натижаланганлиги фанимиз ва техникамиз муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини кўрсатувчи янги далил бўлди, совет олимлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларининг чинакам тантанаси бўлди. «Луна-16» космик станцияси ой тупроғидан намуналар олиб ва бу намуналарни Ерга келтириб бериб, Ойни тадқиқ қилиш соҳасида мисли бўлмаган зўр иш қилди. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳайрон қоларли даражада аниқ ва маҳорат билан бажарилди, бутун дунёда ҳаммани қойил қолдирди. «Луна-16»нинг ютуғи Ленин юбилейи йилида, совет кишилари партиямизнинг бўлажак XXIV съездини кутиб олаётган йилда эришилган ажойиб муваффақиятларнинг яна бири бўлди.

Партия XXIII съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошираётган Озарбайжон меҳнаткашлари ҳам халқ хўжалигини ривожлантиришда муайян ижобий натижаларга эришдилар.

Шу беш йилликда республикада саноат ишлаб чиқариши анча ошди. Қишлоқ хўжалигида ҳам силжишлар бўлаётир. Об-ҳаво шароитининг мураккаблигига қарамай, бу йил республика колхозлари ва совхозлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этмоқдалар.

Лекин, гарчи муайян ютуқлар қўлга киритилган бўлса ҳам, аммо хотиржам бўлиш учун асос йўқ. Уни ўзларингиз ҳам биласиз. Юбилей тантанаси танқид қилиш учун унчалик қулай фурсат бўлмаса керак. Лекин турмуш ўз талабларини қўймоқда, большевиклар эса ўз ишларидаги камчиликлардан ҳеч қачон кўз юмган эмаслар — ленинчи партиямиз кучининг манбаларидан бири ҳам мана шу. Шу сабабли очиқ гапни айтаётганлигим учун мендан ранжимасангиз керак, деб ўйлайман.

Жумладан шуни айтиб ўтиш кераки, республика партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари кейинги йилларда бир мунча орқада қолаётганлигига эътибор беришлари лозим. Нефть ва газ қазиб чиқаришда ҳам, шунингдек минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳамда енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ишида ҳам шундай қолоқлик рўй бермоқда. Буларнинг ҳаммасини ўзларингиз ҳам мендан яхшироқ биласизлар, бинобарин, бу тўғрида батафсил гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида Озарбайжон пахта, дон ва озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун, ҳеч шубҳасиз, катта имкониятларга эга. Мелиорация, суғориладиган деҳқончиликни яхшилаш ишларига берилаётган маблағлардан тағин ҳам тўғрироқ фойдаланиш бу соҳада асосий вазифаларнинг бири бўлиб турибди. Республикада чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун, ҳеч шубҳасиз, кўп иш қилиниши мумкин ва лозим.

Мана шу участкаларнинг ҳаммасида ўртоқлар, сизларнинг катта резервларингиз бор. Бинобарин шу резервларни ишга солиш Озарбайжон коммунистларининг, ишчиларининг, колхозчиларининг ва совхоз ходимларининг шарафли ишидир.

Ўртоқ Алиев гапириб ўтганидек, бултур декабрь ойида, бу йил март ва август ойларида Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленумлари бўлиб ўтди. Шу пленумларда мазкур камчиликларнинг сабаблари синчиклаб анализ қилинди. Ўткир, принципиал, амалий гаплар айтилди. Бу муҳокама республика партия ташкилоти учун камчиликларни қисқа муддат ичида тугатишга имкон берадиган катта ва қизғин ишнинг бошланғичи бўлиб қолади деб ўйлайман.

Барча совет халқларининг традиция бўлиб қолган қардошларча кўмаги ва ўзаро ёрдами саноат ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришда жуда катта роль ўйнайди. Партия Марказий Комитети барча социалистик республикалар халқ хўжалигини ривожлантиришга ҳар доим катта эътибор бериб келмоқда. Маълумки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Озарбайжон халқ хўжалигини янада ривожлантиришга доир катта чора ва тадбирларни белгилаб берди. Сизнинг республикангизга давлат томонидан сарфланадиган капитал маблағлар 1971-1975 йилларда ҳозирги беш йилликдагига нисбатан бир ярим баравардан зиёдроқ кўпайтирилиб, 6 миллиард 700 миллион сўмга етказилади. Шу йиллар ичида жуда катта Сумгаит химия комбинати, Кировободдаги чинни ва алюминий заводлари тўла равишда ишга туширилиши лозим, химия, машинасозлик, озиқ-овқат саноатларининг ва бошқа саноат тармоқларининг ўнлаб янги корхоналари ва объектлари корпуслари қад кўтаради, энергетика ресурслари кўпайтирилаберади.

Озарбайжон қишлоқ хўжалиги янада ривожланади, колхозлар ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Шу мақсадларга ҳозирги беш йилликдагига қараганда қарийб икки баравар кўп маблағ ажратилади. Шу маблағларнинг деярли ярмиси ерларни мелиорация қилиш, суғориш системаларини реконструкция қилиш ва янги сув омборларини вужудга келтириш тадбирларини амалга оширишга сарфланади. Бокуни ва республиканинг бошқа районларини ичимлик сув билан таъминлаш тубдан яхшиланади.

Сизларнинг меҳнатингиз ва ақл-заковатингиз, сизларнинг ғайратингиз ва меҳнатдаги интизомингиз, азиз ўртоқлар, республика халқ хўжалигини янада юксалтиришни, уни яшнатишни таъминловчи ҳал қилувчи омиллардир. Озарбайжон коммунистлари, саноат ва қурилиш, қишлоқ хўжалик меҳнатчилари партиянинг ғамхўрлигини муносиб равишда қадрлаб, давлат саховатлик билан бераётган ёрдамдан самарали фойдаланадилар ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муваффақиятли адо этадилар, партия Марказий Комитетининг бунга ишончи комил.

Республика олдида турган катта вазифаларни ҳал этиш давлат интизоми ва кадрларнинг топширилган иш учун бўлган масъулиятлари даражасини оширишни талаб қилади, кадрларга баҳо бериш ва уларни танлашда юксак партиявий принципиалликни талаб қилади.

Биз ишонамизки коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида бундан буён биргаликда олиб бориладиган иш жараёнида барча совет республикаларининг қардошларча ҳамкорлиги тағин ҳам чуқурлашади ва кенгаяди, моддий ва маънавий маданият муваффақиятларини ўзаро айирбошлаш кучайтирилади, бу эса социалистик миллатлар ва элатларни бир-бирига тағин ҳам кўпроқ яқинлаштиради. Буни партия коммунизм сари дадил қадам ташлаб бораётган бутун совет халқининг ижодий кучларини мислсиз яшнатиш гарови деб билади.

Азиз ўртоқлар! Озарбайжондаги ва Кавказдаги бошқа республикаларнинг коммунистларига В. И. Ленин ёзган ва мен юқорида эслатиб ўтган хатда Ленин «ўзларингиз учун қулай халқаро вазиятдан фойдаланиб, янгиликлар яратаберингиз...» деб тавсия этган эди. Агар биз Лениннинг шу васиятини ҳозирги кунга татбиқ қилсак, шуни айтиш кераки, партиямиз ва давлатимизнинг ташқи сиёсий фаолияти Совет Иттифоқининг халқаро позицияларини анча мустаҳкамлади. Ташқи сиёсатимизнинг кучи ва таъсирчанлигини ошираётган нарса шуки, биз бу сиёсатни қардош социалистик давлатлар билан яқиндан ҳамкор бўлиб, бутун дунёдаги революцион, антиимпериалистик кучлар билан иттифоқ бўлиб ўтказиб келмоқдамиз. Мана шу шароитда совет халқи янги, коммунистик жамият барпо қилишдан иборат улуғ ишни зўр ишонч билан давом эттирмоқда.

Лекин, империализм агрессив кучларининг активлашаётганлигини бир минут ҳам унутаётганимиз йўқ. Империалистларнинг айби билан жаҳоннинг турли жойларида кескин халқаро кризислар, тинчлик иши учун хатарли ҳолатлар пайдо бўлмоқда. Империалистлар қуролланиш пойгасини давом эттираётганликлари, социалистик мамлакатларга ва халқларнинг озодлик ҳаракатларига қарши курашни энг макрли воситалар билан олиб бораётганликларини ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас. Мана шуларнинг ҳаммаси биздан юксак даражада хушёр бўлиб туришни, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳар доим ғамхўрлик қилишни, империалистларнинг агрессив кирдикорларига қарши тинимсиз кураш олиб боришни талаб этади.

Халқаро вазият қандай тус олаётганлиги тўғрисида, ташқи сиёсат фронтимизнинг айрим участкаларидаги аҳвол тўғрисида кейинги вақтларда бир неча марта гапириб ўтишга тўғри келган эди. Шу гапларни яна такрорлаб ўтирмоқчи эмасман, шу сабабли, бу ерда мен Совет Иттифоқининг социализм позициясини маҳкамлаш учун, мустаҳкам тинчлик учун, давлатларнинг ижтимоий тузумидан қатъи назар уларнинг бир-бири билан тинч-тотув яшаш принципини халқаро муносабатларда қарор топтириш учун олиб бораётган кураши билан алоқадор баъзи айрим масалаларгина тўхталиб ўтаман.

Империалистик агрессорларга зарба бериш мустаҳкам тинчлик учун курашнинг энг муҳим қисмларидан бири. Совет Иттифоқи Америка агрессиясига қарши ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун фидокорона курашаётган қаҳрамон Вьетнам халқини қардошларча қўллаб-қувватламоқда.

Вьетнам ватанпарварлари социалистик мамлакатларнинг ва бутун дунёдаги тинчликсевар, тараққийпарвар кучларнинг мададига таяниб, жанг майдонларида ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Уларнинг мислсиз мардлигига қойил қолсак арзийди. Шу билан бирга биз уларнинг Вьетнам проблемасини сиёсий бартараф қилиш йўлида кўраётган чораларига юксак баҳо бераётирмиз. Парижда бораётган музокараларда яқинда Жанубий Вьетнам Республикасининг муваққат революцион ҳукумати янги ижобий ташаббус кўрсатди. Бу ташаббусни Вьетнам Демократик Республикаси актив қўллаб-қувватлади. Шу таклифларда урушни тўхтатиш учун, Жанубий Вьетнам халқининг иродасини, барча демократик, тараққийпарвар кучларнинг манфаатларини ифодалайдиган коалицион ҳукумат тузмоқ учун яхши ва одилона асос бор.

Вьетнам ватанпарварларининг бу янги ташаббуси Совет Иттифоқида тўла равишда тушунилиб маъқулланди. Агар Қўшма Штатлар ҳукумати бу ташаббусни тегишли равишда қадрлаб, вазиятга сергаклик билан баҳо бериб оқилона иш қилса, Вьетнамдаги аҳволни сиёсий бартараф қилиш иши олдинга силжиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Аммо, Вашингтон ўзининг агрессив ниятларини, зўравонлик позициясига таянувчи сиёсатини қайсарлик билан ўтказаверса, бундай ҳолда у тағин ҳам каттароқ қийинчиликларга, тағин ҳам оғирроқ мағлубиятларга учрайберади.

Тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишини қадрловчиларнинг ҳаммаси Яқин Шарқдаги аҳволни кўриб, ташвишланмаслиги мумкин эмас. Бирлашган Араб Республикаси, Иордания ва Исроил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вакили Ярринг орқали алоқа боғлай бошлаган эдилар. Аммо, бу алоқа ривож топмади. Бунга Тель-Авив ҳукмрон доираларининг сиёсати сабаб бўлди, чунки улар Ярринг қилмоқчи бўлган ишни барбод этмоқ учун АҚШ ҳукуматининг мададига таяниб ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Исроил қўмондонлиги Бирлашган Араб Республикаси устига уйдирма айблар тўнкаш билан ўзини ниқоблаб, босиб олинган араб ерларида, айниқса Сувайш каналининг шарқ соҳилида ўз позицияларини мустаҳкамлаб олишга зўр бериб интилмоқда, араб мамлакатларига яна бандитларча зарба бермоқ учун куч тўпламоқда. Исроил ҳукмдорлари ўзларига хос сурбетлик билан бутун дунёга жар солиб, «1967 йилги чегараларга қайтишни» яъни агрессия қилиш йўли билан босиб олинган ерларни қайтариб беришни «хаёлимизга ҳам келтираётганимиз йўқ» деб айтишди.

АҚШ ҳукумати ҳақиқатда Исроил агрессорларининг музокараларни бузиш сиёсатини рағбатлантириб, Исроилнинг ўз қўшниларига янги ҳужумлар қилиш учун янгидан-янги ҳужум қуролларини Исроилга юбориб туриб, уларни гижгижлашни давом эттирмоқчи. Вашингтонда тинчлик тўғрисида гап сотиб, амалда адоват ва душманлик уруғларини зўр бериб сочаётганликлари кўриниб турибди.

Афсуски, яқинда Иорданияда ҳукумат қўшинлари билан Фаластин ташкилотларининг қуролли отрядлари ўртасида бошланиб кетган қонли тўқнашувлар араб халқларининг, шу жумладан Фаластин арабларининг ҳам муштарак ишига бир талай зарар етказди. Бу ўзаро кураш ҳақиқатдан ҳам фожиона кураш бўлди. Исроил агрессорлари бу қирғинни кўриб, хурсанд бўлабердилар, океан нариёғидаги империалистлар эса, кези келганидан фойдаланиб, араблар ишига ҳарбий куч билан янгидан аралашиш имконияти келиб қолишини кўзлаб, куч йиға бердилар, шу тариқа арабларнинг озодлик ҳаракатини бўғиб ташлаш учун шу қулайликдан фойдаланмоқчи бўлдилар ва арабларнинг миллий бойликларини талашнинг мана шундай осон йўлини топмоқчи бўлдилар.

Лекин мустақил давлатлар ва халқларнинг тақдири билан мана шундай разилона ўйнашиш ҳозирги вақтда хатарлидир. Бунақа ўйнашиш чоғида бармоқни куйдириш у ёқда турсин, ҳаттоки қўлдан ҳам ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Империалистик давлатларнинг Яқин Шарқдаги воқеаларга янги қуролли куч билан аралашуви халқнинг нақадар зўр қаҳр-ғазабини қўзғатиб юбориши, нақадар зўр туғён кўтарилишига сабаб бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Совет Иттифоқига келганда унинг позицияси мутлақо равшан. Иорданиядаги ўзаро урушни батамом тўхтатишга, шу жумладан Фаластин қаршилик ҳаракати отрядларининг қирилишини тўхтатишга бутун чоралар билан кўмаклашишга интилиб келдик. Иорданияда бошланиб кетган воқеаларга чет давлатларнинг қай тарзда бўлмасин ҳарбий аралашувига қатъиян йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз ҳамда тегишли давлатларнинг раҳбарлари жаҳонда яна бир йирик ҳарбий ўчоқ очилишига йўл қўймаслик учун давлат арбобларига хос етарли донишмандлик кўрсатадилар, деб умид қиламиз. Биз шу нарсага чуқур аминмизки, сиёсий воситаларни ишга солиб, аҳволни тинч бартараф қилишга эришиш, Исроил агрессиясининг оқибатларини тугатиш ва жаҳоннинг шу районидаги ҳамма халқларга узоқ муддатли мустаҳкам негизга асосланган тинчлик ва осойишталикни қайтариб бериш барча тинчликсевар ва эрксевар кучларнинг ҳозирги кунда Яқин Шарқдаги асосий вазифасидир.

Араблар озодлик курашининг қаҳрамони Бирлашган Араб Республикаси Президенти, Араб социалистик Иттифоқининг раиси Жамол Абдил Носир бевақт вафот этганлиги араб халқи учун ва араблар рўёбга чиқазиш мақсадида курашаётган иш учун оғир жудолик бўлди. Зулм ва агрессияга қарши, озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун оташин курашчи, улуғ ватанпарвар, доно давлат арбоби, араб дунёсининг энг муътабар раҳбарларидан бири орамиздан кетди. Жанговар сафдошимиз, империализмга қарши биргаликда курашган ўртоғимиз, мамлакатимизнинг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг содиқ дўстидан жудо бўлганлигимиз биз совет кишиларини чуқур қайғуга солди.

Жамол Абдил Носир Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси, барча араб мамлакатлари халқлари ўртасида улуғ дўстликнинг мустаҳкам пойдеворини қурган кишилардан бири эди. Аммо, биз шу нарсани қатъий биламизки, дўстлигимизнинг мана шу пойдевор устига қурилган ҳашаматли биноси тобора баланд кўтарилиб, мустаҳкамланаберади, чунки бу дўстлик тарихий ривожланишга хос чуқур эҳтиёжнинг ифодасидир ва бу дўстлик абадий яшнайберади!

Кези келгандан фойдаланиб, мен шу минбардан туриб яқин дўстларимизга — Бирлашган Араб Республикасининг раҳбарларига, Жамол Абдил Носирнинг сафдошларига қизғин ўртоқлик саломини топширмоқчиман, биз аминмизки улар марҳум президент бошлаб берган, Бирлашган Араб Республикаси учун, бутун араб халқи учун, бутун дунёдаги тинчлик ва озодлик кучлари учун шу қадар муҳим бўлган ишни шараф билан давом эттирадилар.

Араб дўстларимиз шуни билишлари кераки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва ҳукумати, бутун совет халқи Бирлашган Араб Республикаси билан самимий дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик йўлини бундан буён ҳам оғишмай давом эттираберадилар. Арабларнинг агрессорлар томонидан босиб олинган ўз ерларини озод қилиш учун, Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун олиб бораётган одилона курашига бундан буён ҳам ҳар томонлама мадад бераверамиз.

Ўртоқлар!

Шу йил август ойида Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасида шартнома тузилганлиги мамлакатимиз тинчликсевар ташқи сиёсатининг кейинги даврдаги катта муваффақияти бўлди. Бу шартноманинг мазмуни ва аҳамияти сизларга яхши маълум деб ўйлайман.

Шуни айтиш кераки, баъзи жойларда, бу шартномадан қайси томон «кўпроқ ютди», қайси томон «камроқ ютди» деган қабилида учраб турган мулоҳазалар, бизнингча, мутлақо асоссиздир. Ҳамма социалистик мамлакатлар ҳам, Германия Федератив Республикаси ҳам, Европада тинчликни мустаҳкамлашдан, халқаро кескинликни юмшатишдан манфаатдор бўлган ҳамма мамлакатлар ҳам баб-баравар ютди.

Бу ҳужжат ратификация қилиниб, кучга кирганидан кейин унинг халқаро роли чинакамига намоён бўлади, албатта. Лекин бундай шартнома тузилганлиги ҳозирнинг ўзидаёқ Европадаги вазиятга муайян ижобий таъсир ўтказаётганлиги шубҳасиз. Бу ўринда мен халқаро кескинликни юмшатиш, тинч-тотув яшаш принципларини тағин ҳам мустаҳкам қарор топтириш, Европада халқаро ҳамкорликни тағин ҳам актив ривожлантириш тенденцияси мустаҳкамланаётганлигини назарда тутаман. Бизнинг назаримизда Европадаги тинчликсевар кучлар ана шу қулай вазиятдан Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишида, Европа давлатлари ўртасида тинч ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришда янги конкрет қадамлар қўйиш, шу жумладан яқин келажакда шу масалаларга бағишланган умум Европа кенгашини чақириш сингари қадамни қўйиш учун фойдаланишни ўз бурчлари деб билишлари лозим.

(Охири учинчи бетда).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқининг давоми

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАРДОШЛАРЧА ОИЛАСИДА, ЛЕНИН КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

(Бошн 1, 2-бетларда).

Биз Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатимизда Франция билан ҳамкорликка катта ўрин берётирмиз. Бу ҳамкорлик иккала мамлакатимиз халқлари дўстлигининг мустаҳкам анъаналарига таянади ва бизнингча, дурустгина истиқболларга эга.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида муайян ҳамжиҳатликка эришилди, турли даражаларда сиёсий алоқалар йўлга қўйилди, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни салмоқли ривожлантириш учун яхши негиз солинди. Совет — Француз муносабатларини мустаҳкам, ишончли негизда янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун бундан буён ҳам қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилиш ниятимиз.

Франция президенти Жорж Помпиду жанобларининг яқинда мамлакатимизга қиладиган визити Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги дўстлик, иноқлик ва ҳамкорликни иккала мамлакатимиз манфаатлари, Европада ва бутун дунёда тинчлик иши манфаатлари йўлида мустаҳкамлашда янги муҳим босқични бошлаб беради, деб умид қиламиз.

Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати яқинда яна йигирма йилга узайтирилганлиги сингари муҳим ишни ҳам ўзимиз муттасил ўтказиб келаётган тинч-тотув яшаш сиёсатининг янги муваффақияти деб билмоқ керак. Ана шу дўст мамлакат билан яхши қўшничилик муносабатларининг ривожи эндиликда янги равшан истиқболларга эга бўлиб қолди. Европа шимолида тинчлик ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш планида бунга биз катта аҳамият бераётирмиз.

Ўртоқлар! Бу ерда, Боқуда гапираётганимда, сизларнинг республикангиз билан чегарадош бўлган қўшни давлатлар — Эрон ва Туркия билан муносабатларимиз қандай ривожланаётганлиги тўғрисида тўхталиб ўтиш табиийдир.

Шуни ошкора айтиш керакки, ана шу давлатлар билан муносабат, бизнингча, дуруст ривожланмоқда. Ўзингизга маълумки, ўтмишда бу давлатлар билан муносабатларимизда кўпгина мураккаб моментлар, кўпгина қийинчиликлар бор эди. Лекин Советлар мамлакатининг Шарқ халқлари билан, айниқса қўшни мамлакатлар билан дўстлик муносабатлари ўрнатишга жуда катта эътибор берган В. И. Ленин васиятларини изчиллик билан амалга ошира бориб, биз тўсиқларни бартараф этишга ҳамда шерикларимиз томонидан конструктив ҳамкорлик қилинган шароитда Совет Иттифоқининг Эрон ва Туркия билан муносабатларини яхши қўшничилик ва тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўлига олиб чиқишга муваффақ бўлдик.

Кейинги вақтларда таниқли давлат ва сиёсий арбобларнинг, парламент делегацияларининг ва бошқа эътиборли вакилларнинг анча мунтазам тусга кирган ўзаро ёзитлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, аста-секин ўзаро ишонч муҳитини вужудга келтиришга ёрдам бермоқда. Буларнинг ҳаммаси шундай алоқалар келгусида ҳам ривожлана беради, деган хулосага келиш имконини беради.

Иккала томонгагина манфаатли бўлибгина қолмасдан шу билан бирга бошқа соҳаларда яқинлашиш ва ҳамкорлик қилиш учун яхши база бўлган савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳам катта аҳамият бермоқдамиз. Бу гап бизга қўшни бўлган бошқа мамлакатларга, масалан, ижтимоий тузуми биздан бошқача бўлса ҳам, лекин қўшничилик ва ўзаро ҳурмат алоқаларни орқали биз билан боғланган Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон сингари мамлакатларга ҳам тааллуқлидир.

Кези келганда шуни тамомида равшан қилиб айтиб қўймоқчиманки, Совет Иттифоқи раҳбарлари мамлакатимизнинг Ғарбдаги ва Шарқдаги чегаралари сингари Жанубдаги ҳамма қўшниларимиз билан бўлган чегаралари ҳам тинчлик, дўстлик ва самарали ҳамкорлик чегаралари бўлиши ва шундай бўлиб қолиши учун бундан буён ҳам ўз ихтиёрларидаги ҳамма чораларни кўра берадилар.

Ниҳоят, ўртоқлар, халқаро ишлар соҳасида яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Шу ойда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилган кунга 25 йил тўлади. Бу ташкилот фашизмга қарши озодлик курашида халқлар қозонган ғалаба натижасида вужудга келган эди.

Ўзининг ҳамма нуқсонлари ва заифликларига қарамай, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз уставида эълон қилинган мақсадлар ва принципларни амалга оширишга фойдали ҳисса қўшди. Бу ташкилот бир қанча қалтис халқаро тангликларни бартараф этишда кўмаклашди. Биз бундай якунни Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар ташқи сиёсатининг, қитъамиздаги ҳамма тинчликсевар кучларнинг катта муваффақияти деб биламиз.

Империалистик доиралар Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Миллатлар лигасига ўхшатиб муғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон орасида кўп километрлаб масофа бўлса ҳам, лекин биз уларнинг халқлари қалб ҳароратини сезиб турибмиз, ана шу қардош республикаларнинг халқлари ҳамиша бизга ҳамдам эканликларини биламиз, совет Озарбайжони ишларида уларнинг иштирокини кун сайин сезиб турамиз.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Ленин Шарқдаги социализм истеҳкоми тўғрисида гапирганида у Озарбайжон билан Туркистонни назарда тутган эди. Собиқ Туркистон Улкаси территориясида совет Урта Осиё республикалари — Ўзбекистон ва Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон равнақ топиб ривожланди. Улуғ Октябрь қуёши остида улар чиндан гуллаб-яшнади, Владимир Ильич башорат қилганидек, уйқидан уйғонган Шарқ меҳнаткаш оммаси учун жозибадор машъал бўлиб қолди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистоннинг қардош халқларини шу Иттифоқдош республикалар делегацияларининг раҳбарлари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига қандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига қандидат, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Д. А. Кунаев, республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари Т. У. Усубалиев, Ж. Р. Расулов, М. Н. Ғафуров ўртоқларни қизғин табриклашга ва уларга сидқидилдан миннатдорчилик сўзлари айтишга ижозат бергайсиз.

Биз юртимизда Балтика бўйи совет республикалари делегацияларини кўришдан хурсандмиз. Озарбайжон халқи Литва, Латвия ва Эстония халқлари билан ўз дўстлигини қадрлайди, уларнинг мамлакатимизда коммунизм қуришнинг умумий ишига қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолайди.

Байрамимизда Молдавия ССР меҳнаткашларининг делегацияси қатнашмоқда. Биз Молдавия билан кўп йиллардан бери мустаҳкам дўстлик алоқалари қилиб келамиз, республикаларимизнинг меҳнатчилари хўжалик ва маданий қурилишда янги ғалабаларга эришиш учун мусобақалашмоқдалар.

Биз кўрсатган илтифотлари учун Литва, Молдавия, Латвия ва Эстониянинг қардош халқларини шу ерда ҳозир бўлган уларнинг делегациялари сиймосида қизғин табриклаймиз ва уларга чуқур миннатдорчилик изҳор қиламиз. Бу республикаларнинг делегацияларига республикалар компартиялари Марказий Комитетининг биринчи секретарлари: А. Ю. Снечкус, И. Ибодюл, И. Г. Кэбин ўртоқлар Латвия ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Ю. Я. Рубэн раҳбарлик қилмоқдалар.

Бизнинг байрамимизга келган делегациялар составида Дағистон области партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. И. Умахонов, Чечен-Ингушия область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. С. Апряткин, Ставрополь ўлка партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. С. Горбачев, Харьков область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. И. Вашченко, Могилев область партия комитетининг секретари ўртоқ Л. М. Бабанова, Астрахань область ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. Г. Дуденков бор.

Биз ўз халқимиз номидан Дағистон ва Чечан-Ингушия автоном республикаларининг, Ставрополь ўлкаси, Астрахань, Харьков ва Могилев областларининг меҳнаткашларига коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишда сидқидилдан янги муваффақиятлар тилаймиз ва уларга қизғин салом йўллаймиз.

Машҳур ҳарбий саркарда, Улуғ Ватан Урушининг қаҳрамони, Совет Иттифоқи Мудофаа министри Маршал ўртоқ А. А. Гречко бошчилигидаги СССР Қуролли Кучлари делегацияси Озарбайжон халқининг порлоқ байрамида қатнашмоқ учун келди. Ҳарбий делегация сиймосида биз шонли Совет Армиямизни ва Ҳарбий Денгиз флотимизни қизғин табриклаймиз ҳамда ватанимизнинг ҳарбий қудратини мустаҳкамлашда уларнинг бутун шахсий составига янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Е. М. Тяжельников катта ўртоқларининг шонли ишларини муносиб давом эттиришга ва кўпайтиришга даъват қилинган ёш совет авлодидан вакил бўлиб қатнашмоқда.

Республика меҳнаткашларига кўрсатган ҳурмат ва эътиборингиз учун, юбилей тантаналарида қатнашаётганлигингиз учун сиз, азиз Леонид Ильичга, сиз, қадрли меҳмонларга Озарбайжон халқининг бутун саҳий қалбидан чиқариб яна бир карра кўпдан-кўп раҳмат айтамиз.

Ўртоқ Ғ. А. Алиев Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан ва уларнинг топширувига биноан, Озарбайжоннинг барча меҳнаткашларини — ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, коммунистлар ва комсомолларни, йигит ва қизларни катта, ажойиб байрам билан табриклайди ва коммунизм сари ғолибона олға бораётган улуғ Ватанимиз бахт-саодати йўлида уларга янгидан-янги муваффақиятлар тилайди. (Залда узоқ вақтгача қарсаклар тинмайди).

Тантанали йиғилиш очиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи ва Озарбайжон ССР Давлат гимнлари янграйди.

Тантанали мажлис иштирокчилари Фахрий Президиумга яқдиллик ва баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросини сайлайдилар.

Иккита Ленин ордени тақилган Озарбайжон ССР байроғи ва КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ҳамда ВЦСПСнинг эсдалик байроғи залга тантанали марш садолари остида олиб кирилганида, ҳамма ўрнидан туради.

«Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси билан Озарбайжон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги» тўғрисида Озарбайжон компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ғ. А. Алиев доклад қилди.

Озарбайжон ишчилари ва меҳнаткаш деҳқонлари ленинчи коммунистлар партияси раҳбарлигида эллик йил муқаддам Озарбайжон диёри узра советлар ҳокимияти байроғини ўрнатдилар, деди Ғ. А. Алиев. Совет Озарбайжони Улуғ Октябрь Социалистик революцияси туфайли бунёдга келди.

Озарбайжонда Совет ҳокимиятининг ғалабаси Озарбайжон халқи миллий тикланишини ва социал равнақ топишини бошлаб берди.

Озарбайжон халқи Ленин васиятларини амалга ошириб, тарихан қисқа муддат ичида асрий қолоқликни тугатди ва Озарбайжонни, Ленин васият қилганидек, Шарқ чегарасидаги намунали социалистик республикага айлантирди. Озарбайжон республикаси билан компартиясининг 50 йиллигини Ленин юбилейи йилида нишонлаётганимиздан беҳад хурсандмиз.

Ҳамиша бўлганидек бугун ҳам Ленин биз билан бирга. Ленининг ғамхўрлиги, эътибори ва мададкорлиги Озарбайжон большевикларини, меҳнаткашларини чоризмга ва капиталистларга қарши, социалистик революция ғалабаси учун курашга руҳлантирди. Бизнинг социализм қурилишидаги ҳамма муваффақиятларимиз Ленин номи билан узвий боғланган. Ленининг абадий барҳаёт таълимоти коммунизм қуриш учун курашда йўлчи юлдузимиз бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади!

Совет Озарбайжонининг ўтган ярим аср мобайнидаги муваффақиятлари — коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг чинакам тантанасидир, мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва қардошлиги ғоялариннинг мужассамидир. Социалистик республикалар улуғ ҳамдўстлигининг ажралмас қисми — Озарбайжон ССРнинг ярим асрлик юбилейи Озарбайжон халқининггина эмас, барча қардош совет халқларининг ҳам байрами бўлиб қолганлигининг боиси ана шу.

Докладчи Озарбайжоннинг Россия составида бўлган чоғидаги иқтисодий ва социал сиёсий ривожини таърифлаб берди, халқнинг социал ва миллий озодлик учун узоқ вақт олиб борган қаҳрамонона кураши тўғрисида гапирди. Рус ишчилар синфи, деб таъкидлади у, жамиятни революцион тарзда янгилаш учун, Россиядаги ҳамма халқларнинг озодлиги ва бахт-саодати учун энг матонатли ва изчил курашчи бўлди.

Социалистик революция ғалабаси учун кураш тарихида Боку Коммунасининг қаҳрамонона эпопеяси алоҳида ўрин олади, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Боку пролетариатининг қаҳрамонона қаршилигига қарамай, Бокудаги Совет ҳокимияти 1918 йил июлининг охирида ажнабий интервентлар ва ички контрреволюциянинг кучлари устун келганлиги сабабли вақтинча енгилди. Революциянинг довюрак баҳодирлари — 26 Боку комиссари инглиз интервентлари билан уларнинг эсер малайлари қўлида ҳалок бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги тўғрисидаги докладида революциянинг ана шундай қаҳрамонлари тўғрисида қизғин ва ёрқин сўзлар айтди: «Большевикларни отдилар, каторгада чиритдилар, қамоқларда азобладилар. Лекин революциянинг бир жангчиси ҳалок бўлган жойда ўнлаб янги жангчилар унинг ўрнини олабердилар. Булар — чинакам қаҳрамонлар, буқилмас иродали ва мард кишилар, юксак ғоявий ва шаффофдек мусаффо, бениҳоя матонатли ва қатъиятли кишилар эди. Ўз ишининг ҳаққонийлигига революция ғалабасининг муқаррарлигига бўлган қаттиқ ишонч уларни олға чорлади. Партия иши, революция иши улар учун муқаддас иш бўлди ва улар ҳам бу ишга бутун вужудларини бахш этдилар».

1920 йил 11—12 февралда Бокуда подполье шароитида Озарбайжон Коммунистик ташкилотларининг биринчи съезди бўлиб ўтди. Шу съездда ленинчи коммунистлар партиясининг таркибий, ажралмас қисми бўлган Озарбайжон Коммунистик (большевиклар) партияси тузилди.

27 апрелдан 28 апрелга ўтар кечаси Озарбайжон халқи ҳаётида тарихий воқеа содир бўлди — Совет ҳокимияти ғалаба қозонди.

Озарбайжон халқи ўзининг бунёдкорлик меҳнатида якка-ёлғиз эмас эди, деб таъкидлади Ғ. А. Алиев, мамлакатнинг бошқа халқлари билан бирлашиб, унинг кучлари кўпая берди. Совет халқларининг дўстлиги ва ўзаро ёрдами ҳар бир республика экономикаси ва маданиятини тез ва ҳар томонлама ривожлантиришнинг, ҳар бир социалистик миллатни равнақ топтиришнинг негизи бўлиб қолди.

В. И. Ленининг 1921 йил 14 апрелдаги «Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Дағистон, Тоғлик республикадаги Коммунист ўртоқларга» мактуби бутун Кавказ учун бўлгани каби, Озарбайжон коммунистлари учун ҳам программ аҳамиятга эга бўлди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республика саноатининг ялпи маҳсулоти 70 баравар кўпайди. Революцияга қадар 12 ой мобайнида ишлаб чиқарилган миқдордаги маҳсулотни Озарбайжон саноати ҳозир 12 кунда ишлаб чиқармоқда, электр энергияси эса 1913 йилдагига қараганда 105 баравр кўп ҳосил қилинмоқда.

Саноат, транспорт, алоқа воситалари, капитал қурилиш ривожлана борган сари жуда муҳим жараён рўй бермоқда, яъни ишчилар синфи сафлари ўсиб бормоқда. Ишчилар синфининг сафлари 1928 йилга қараганда сал кам беш баравар кўпайди.

Сўнгра докладчи Озарбайжон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига тўхталиб ўтди. Республика далаларида 47 мингта трактор, 4 мингтадан ортиқ ғалла комбайни, 1500 тадан ортиқ пахта териш машинаси, 18 мингта автомобиль, кўпгина бошқа серунум машина ва механизмлар ишлаб турибди. Республика қишлоқ хўжалиги 600 миллион киловатт соат электр энергия истеъмол қилмоқда.

Катта-катта ирригация ва мелиорация ишлари амалга оширилганлиги туфайли қишлоқ хўжалик экинзорларини икки баравар кўпайтириш мумкин бўлди. Бултур 1913 йилга нисбатан пахта етиштириш салкам беш баравар, тамаки етиштириш 24,5 баравар, узум етиштириш 54 баравар, гўшт ва сут етиштириш икки баравардан зиёд кўпайди.

Сўнгра докладчи меҳнаткашларнинг турмуш шароити яхшиланганлиги ва фаровонлиги муттасил ошиб бораётганлиги, ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг пул даромадлари кўпайиб бораётганлиги тўғрисида, уйжой қурилишининг кўлами ҳақида гапирди. Кейинги 20 йилнинг ўзида жами саҳни 26 миллион квадрат метрдан ошадиган салкам 720 мингта квартира қурилди.

Социализм, деди ўртоқ Алиев, — Озарбайжон халқининг маънавий ҳаётини бекиёс бойитди, маорифни ривожлантириш, илм-фанни равнақ топтириш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш учун чексиз имкониятлар очиб берди.

Партия билан халқнинг бирлиги, деб сўзини давом эттирди Ғ. А. Алиев, ҳамма ғалабаларимизнинг, совет кишилари барча зафарларининг манбаидир. Коммунистик партиянинг кучи ва обрўйи — марксизм-ленинизм принципларига содиқлигида, унинг монолит бирлигида, халқ билан чамбарчас алоқасидадир.

Ярим аср муқаддам Озарбайжон Коммунистик партияси 4 минг аъзони бирлаштирар эди, ҳозир эса унинг сафларида 250 минг коммунист бор.

Кейинги йилларда, деди докладчи, советларнинг иши анча активлашди, республика аҳолисининг ҳамма қатламлари советларнинг ишида иштирок этмоқда.

Ўз сафларида қарийб ярим миллион йигит ва қизни бирлаштириб турган Озарбайжон комсомоли ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда партия ташкилотининг содиқ ёрдамчисидир.

Республика коммунистлари ва барча меҳнаткашлари социализм ва коммунизм учун олиб борилган ярим асрлик курашни якунлаб, совет Озарбайжонининг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари улуғ мақсадимизни рўёбга чиқаришга — коммунизм қуришга муносиб ҳисса қўшиш учун ўз куч-ғайратларини кўпайтирадилар. Ўз муваффақиятларини ҳормай-толмай ривожлантирадилар, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетини, совет ҳукуматини, Леонид Ильич, Сизни ишонтирадилар!

Ўртоқ Ғ. А. Алиев доклади зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди,

Сўз КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга берилади. Тантанали мажлис қатнашчилари уни ўринларидан туриб, қизғин, давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети табрикномаси текстини тантанали мажлис президиумига топширди. Шундан кейин сўзга чиққан Ғ. А. Алиев қимматли мукофот — эндиликда Совет Озарбайжони байроғига иккита Ленин ордени ёнида порлаб турган Октябрь Революцияси ордени учун партия ва ҳукуматга чуқур миннатдорчилик билдирди.

Сўнгра Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг раиси К. А. Халилов тантаналарда қатнашмоқ учун келган делегацияларнинг раҳбарларига сўз берди.

Тантаналарда қатнашмоқ учун келган делегацияларнинг раҳбарлари қардош Озарбайжон халқига табрикномалар билан мурожаат қилдилар. Россия Федерациясидан — РСФСР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ А. М. Школьников; Украина ССРдан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. Е. Шелест; Белоруссия ССРдан—Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ С. О. Притицкий; Грузия ССРдан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. П. Мжаванадзе; Ўзбекистон ССРдан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов; Қозоғистон ССРдан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Д. А. Кунаев; Литва ССРдан—Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Ю. Снечкус; Молдавия ССРдан—Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. И. Бодюл; Латвия ССРдан—Латвия Министрлар Советининг раиси ўртоқ Ю. Я. Рубэн; Киргизистон ССРдан — Киргизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. У. Усубалиев; Тожикистон ССРдан — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ж. Р. Расулов; Арманистон ССРдан—Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Е. Кочинян; Туркманистон ССРдан—Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Н. Ғафуров; Эстония ССРдан — Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Г. Кэбин; Москва шаҳридан — Москва Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ В. Ф. Промислов; Ленинград шаҳридан — КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. В. Романов сўзга чиқдилар.

Ёш ленинчилар тантанали мажлис қатнашчиларига пионерлик саломи ва қутловларини топширишди.

Тантанали мажлис қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар.

Озарбайжон ССР Министрлар Советининг раиси А. И. Иброҳимов табриклар учун, Озарбайжон халқи номига айтилган яхши сўзлар учун делегацияларнинг раҳбарларига самимий ташаккур билдирди.

Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Озарбайжон ССР Олий Совети тантанали мажлисининг охирида партия гимни «Интернационал» айтилди.

Боқудаги юбилей тантаналари Совет Озарбайжони меҳнаткашларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига тош-метиндек жипслашганлигини, порлоқ истиқбол—коммунизм сари комил ишонч билан бораётган Советлар мамлакати қардош халқлари бузилмас дўстлигини яна бир карра намойиш қилиб кўрсатди.

Н. КОЛЕСОВ,
М. БАРАТЯНЦ,
(ТАСС махсус мухбирлари)

● *Рихард Зорге туғилганига 75 йил тўлди*

МАШҲУР РАЗВЕДКАЧИ



Рихард Зорге 1895 йил 4 октябрда Озарбайжоннинг Аджикенд қишлоғида, Ротшильд нефть компанияси инженерининг оиласида туғилди. Отаси немис, онаси рус эди. Рихард уч ёшга тўлганда уларнинг оиласи Германияга кўчиб кетган. Р. Зорге К. Маркс ва Ф. Энгельснинг қадрдон дўсти, немис социалисти, революционер Ф. А. Зорге (1828-1906 йиллар)нинг неварасидир.

Рихард ўқувчилик ва студентлик чоғида айниқса, тарих, адабиёт ва фалсафа фанлари ва спорт билан кўп машғул бўлган. Биринчи жаҳон урушида Германия аскарлари сафида жанг қилган.

1919 йилда Гамбург университетида илмий иш олиб бориб, социология доктори даражасига эришган. Уша йили Германия Коммунистик партиясига аъзо бўлган.

1925 йилда Германия Коммунистик партияси раҳбарларининг маслаҳатига кўра, Р. Зорге Совет Иттифоқига келади. Шу йили ВКП (б) га аъзо бўлади. У Москвадаги марксизм-ленинизм институтида илмий ходим бўлиб ишлайди.

Р. Зорге революционер ва олим эди.

Инглиз ёзувчиси Чарлз Уайтон ўзининг «Дунёнинг атоқли разведкачилари» китобида Зоргенинг фаолиятига алоҳида тўхталиб, **фалсафа доктори, немис, инглиз, француз, рус, япон ва хитой тилларини мукаммал билишдек қобилиятн билан қайси касбни танласа, унда улкан ютуқларга эришиши мумкин,** деб ёзган эди.

1933 йил 6 октябрдан Японияда Р. Зоргенинг журналистик ва разведкачилик фаолияти бошланди.

Зорге «немис доиралари сафига чуқур кириб борди», Германиянинг ҳарбий атташеси генерал Эйген Отт ва бошқалар билан «дўстлашди».

Совет Иттифоқи дўсти учун биринчи синов Халхин-Гол воқеаси бўлди. Японлар Халхин-Гол жанги билан совет қўшинларининг жанговарлигини синамоқчи бўлган эдилар. Р. Зорге япон қуролли кучларининг Генерал штаби Монголия Халқ Республикасига қўққисдан ҳужум қилиш учун ҳозирланаётганини ва Гитлер Польшага сентябрда юриш қилиш режаси тузганлигини аниқ информация асосида Марказга — Москвага хабар қилди. Натижада, Қизил Армия японларга қақшатғич зарба берди.

1939 йилда Р. Зорге Германиянинг Япониядаги ҳарбий атташеси, сўнгра элчиси генерал Эйген Оттнинг тавсияси ва Германия ташқи ишлар министри фон Риббентроп розилиги билан Германия элчихонасининг матбуот атташеси лавозимига тайинланган. унинг мавқеи яна ҳам мустаҳкамланди.

Р. Зорге Токиодан 1941 йил мартда **«Германиянинг Токиодаги ҳарбий атташеси айтдики, Европада уруш тугаши билан, дарҳол Совет Иттифоқига қарши уруш бошланади»**—деб хабар берди 1941 йил 19 майда эса Рихард шундай хабар жўнатди: **«СССР га қарши тўққиз армия, 150 дивизия тўпланади».** 1941 йил 15 июнда эса Зорге биринчи даражали муҳим, аммо қайғули хабарни—**«Уруш 22 июнда бошланади»**, деган телеграммани эфирга чиқарди.

Энди Зоргенинг бутун диққатини бир масала чулғаб олганди: **«Япония СССРга ҳужум бошлайдими, йўқми!»** Группа аъзолари кечаю-кундуз информация тўплагач, Марказга 1941 йил 30 июлда ушбу телеграмма жўнатилган: **«Агарда Москва олинса, Япония уруш бошлайди».**

Махфий фаолият олиб борсада, Зорге халқимиз, Ватанимиз билан ҳамнафас эди.

Р. Зорге 1941 йил 18 октябрда Токиодаги Нагасаки мати 30-уйда япон махфий полицияси — Кэмпейтай агентлари томонидан қўлга олиниб, Сугамо турмасига қамалди. Тергов бир неча йилга чўзилди. Сон-саноқсиз сўроқ, қийноқ, азоб-уқубатлар ва турмадаги мудҳиш ҳаёт Р. Зоргенинг иродасини буколмади. У сўроқ вақтида Совет Иттифоқи фуқароси, коммунист эканлигини ва умуминсоний бахт учун иш қилганлигини рўй-рост гапирган.

1944 йил 7 ноябрь. Эрталаб.. Рихард Зорге ўз гражданлик бурчини адо этган кишидек ўлимни ҳам жасурлик билан қарши олди Бўйнига сиртмоқ солинганда, у: **«Яшасин Коммунистик партия, Совет Иттифоқи, Қизил Армия!»** деб охирги калб сўзларини айтган. У Токиодаги Тама қабристонига дафн этилди.

Р. Зорге вафотининг йигирма йиллигида унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

А. НИШОНОВ,
Тошкент медицина институтининг катта ўқитувчиси.

«ТЎЙ АЗАГА АЙЛАНМАСИН»
ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

Ихтирочи—ўзимиз

Дарҳақиқат, «Тўй азага айланмасин» мақоласида ҳозирги ҳаётимизнинг, шу кунининг актуал мавзуларидан бири кенг жамоатчилик диққатига ҳавол қилинган. Айниқса, мақолада ўртага ташланган расм-русумлар ҳақидаги масала кишини ўйлантириб қўяди. Ким чиқарди бундай расм-русумларни! Албатта халқ — ўзимиз.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, баъзи жойларда яхши анъаналар ихтиро қилинаяпти. Чунки янги давр, янги замоннинг ўзи тақозо этяпти буни!

Лекин бир замонлар пайдо бўлган ёмон расм-русумлар ҳамон давом этиб келаётгани кишини афсуслантиради. Бу расм-русумларга ҳудди бузиб бўлмас қонунлек қурматли оналаримиз, бувиларимиз қаттиқ ёпишиб олиш ган.

«Социализм» маҳалласи шаҳар бўйича намуна қилиб кўрсатиладиган, маҳаллалардан бири. Тўй учун керакли бутун чинни асбоблар, патнису пичоқларгача маҳалла ихтиёрида бор. Уша тўйда 100 та пиёла, 100 та коса, 40 та патнис ва ҳоказолар олиб чиқилди. Лекин, «40 та патнис нима бўлади, 100 та патнис, 300 та тарелка керак» — деб йиғди кампирлар. Хотин ошга келган аёлларнинг ҳар бирига битгадан патнису, ҳар қайси патинсда 6 тадан тарелкада мева, 6 та нон бўлиши керак эмиш! Ахир, шунча даҳмаза, ҳозирги фаровон турмушимизда шунчадан нон кимга керак, алмисоқдан қолган бундай расмга амал қилиш шартми энди!! Нега энди бир бурда увоқни кўзга суртиб, четга олиб қўядиган онахонларимиз, бувихонларимиз нонинг бу каби исроф бўлишига йўл қўядилар!!

Ҳа, ихтирочи — ўзимиз, эски расм-русумларнинг яхшиларини олиб қолиб, ёмонларини улоқтириб ташлаш вақти келди.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

Меъёрни унутмайлик

Саксон отанинг «Тўй азага айланмасин» мақоласини биз ҳам қизғин муҳокама қилдик. Мақолада айтилган гапларнинг ҳаммаси ҳақ. Бу фикрга кексалар ҳам, ёшлар ҳам бир овоздан қўшилишади. Кўп жойларда ўзининг бойлигини кўрсатиш учун, дабдабали тўйлар қилаётган ҳаром йўл билан топган пули ҳисобига алюртнинг ҳалол насибасини оёқ ости қилаётганлар анча пусиб қолди. Бундан кейин ҳам шундай бўлади деб ишонамиз.

Менинг баъзи бир маҳалла домкомларига айтадиган икки оғиз гапим бор эди. Саксон ота ўз мақолаларида ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилмасин, ҳамманинг тинчини бузадиган шовқин-суронлар қилинмасин, келин томонини ҳам, куёв томонни ҳам қийнаб қўядиган шартлар бўлмасин деганлар. Бу гапларнинг ҳаммаси савобли гаплар. Лекин баъзи бир маҳалларда айрим домкомлар Саксон отанинг сўзларини нотўғри тушунаётганга ўхшайдилар. Чўпонота томонидаги бир маҳаллада домком тўйхонага бориб, дастурхонинг дабдабали бўлиб кетибди, йиғиштириб ташла дебди. Тўй эгаси қулоқ солмаган экан, эртасига маҳаллага берилади-ган ошга кирмайсизлар деб одамларга тайинлабди. Ош қолиб кетибди. Менимча, бу ҳам бир одамнинг топганини увол қилишдан бошқа нарса эмас.

Октябрь районидаги баъзи жойларда эса маҳалла бошлиқлари ярим соатдан ортиқ карнай-сурнай чалинмасин, деб оёқ тираб туриб олаётган эмиш. Бу Саксон отанинг гапларини мутлақо нотўғри тушунишдан келиб чиққан.

Йўқ менимча, дўппи деса бошни олиб келиш керак эмас. Саксон ота айтганларидек тўйда ҳамма нарса меъёрда билан бўлиши керак. Чунки у киши миллий одатларимизни йўқ қилишни эмас, шу одатларни оёқ ости қилаётганларни танқид қилганлар. Менинг фикримча, тўйда ҳамма нарса бўлиши керак. Фақат меъёри билан.

Д. АЗИМХЎЖАЕВ.
кекса ўқитувчи.



КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосари Вали Ҳўжаев узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1970 йилнинг 1 октябрида 52 ёшида вафот этди. Вали Ҳўжаев ўз меҳнат фаолиятини 1934 йили фабрика-завод таълими мактабини тамомлагандан сўнг вагонларни ремонт қилувчи слесарликдан бошлаган эди. 1942 йили Тошкент Темир йўл транспорти инженерлари институтини тамомлагач олдин инженерликдан Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосарига бўлган катта йўлни босиб ўтди, у Улуғ Ватан уруши қатнашчиси эди.

Вали Ҳўжаев темир йўл қурилиши соҳасида катта мутахассис бўлиб, Ўрта Осиё темир йўли тараққиётига катта ҳисса қўшди. Темир йўл транспорти тараққиётидаги ва Улуғ Ватан урушида кўрсатган хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва Совет Иттифоқи медаллари билан тақдирланди, унга «Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган бинокор» унвони берилди.

Вали Ҳўжаев бир неча бор меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советлари депутатлигига, шаҳар ва район партия комитетлари аъзолигига сайланган эди. Камтар, сезгир ва меҳнатсевар ўртоғимиз Вали Ҳўжаевич Ҳўжаевнинг ёркин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—4[Х да **Улик малика ва етти баҳодир** ҳақида эртак (кундузи), **Риголетто** (кечқуруи).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3[Х да **Олтин девор**, 4[Х да **Бой ила хизматчи** (кундузи). **Қонли сароб** (кечқуруи).

МУҚИМИЙ номли ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3[Х да **Фаргона тонг отгунча**, 4[Х да **Ажаб савдолар.**

Кино

3 ОКТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Анупама —«ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ НОМЛИ, «ДРУЖБА», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқуруи).

Асунта, бехато от! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечқуруи).

Гамбурглик матбуот қироли — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кечқуруи).

Севиль —«МОСКВА» (9.20 минутда).

042 қаерда? — «СПУТНИК» (жуфт совтларда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ва 9.40 минутда бошланади)

Гамбурглик матбуот қироли — «ФЕСТИВАЛЬ».

Анупама — «ХИВА».

4 ОКТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Анупама «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ НОМЛИ, «ДРУЖБА», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Асунта, бехато от!—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Гамбурглик матбуот қироли—«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Севиль—«МОСКВА» (эрталаб соат 11.30 ва кеч 9.40 минутларда).

042 қаерда?—«СПУТНИК» (жуфт совтларда).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ва 9.40 минутда бошланади)

Гамбурглик матбуот қироли — «ФЕСТИВАЛЬ».

Анупама—«ХИВА»

14 октябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимларининг физика бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Обсерватория кўчаси, 85 уй) да физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

М. С. Сандов: «Баъзи ярим ўтказгич ва металл системалардаги аралашмаларнинг ўзаро таъсирларини ва тақсимланишларини текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИ

Диссертация билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уйда танишиш мумкин.

14 октябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёти институти илмий совет кенгаши (Гоголь кўчаси, 70 уйда филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

У. Муҳиддинов: «Ҳозирги замон ўзбек поэмасида конфликт ва характер проблемаси (1956—1967 йиллар)» деган темада:

А. Абдуллаев: «Ҳозирги замон ўзбек тилида маъно кучайтиришнинг фонетик ва морфологик усули» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан Академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уйда танишиш мумкин.

14 октябрь кундуз соат 3 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа, иқтисод ва юридик фанлари бўлимларининг иқтисод бўйича бирлашган илмий совети кенгаши (Куйбишев кўчаси 20 уйда иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

И. Умаров «Қорақалпоғистон АССР хўжалигини ихтисослаштириш ва комплекс ривожлантириш» деган темада;

Р. С. Ҳолиқулова: «Фойда ва ундан саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатланти-ришда фойдаланиш (СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига қарашли «Главхлопкомаш» корхоналарининг материаллари асосида)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уйда танишиш мумкин.

14 октябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология фанлари бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Сулаймонова кўчаси, 33 уйда геология-минерология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. Н. Кушнир: «Фарғона чўкмасидаги юра, бур ва палеоген чукиндиларининг нефть-газлилиги нуқтаи-назаридан геохимик тадқиқоти» деган темада;

Ф. Бегбоев: «Бешкент чўкмасининг тектоникаси ва нефть-газлилиги» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Ш. Руставели кўчаси, 114 уйда танишиш мумкин.

15 октябрь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг химии фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Университет кўчаси, химия факультети, кутубхона залида) да химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

К. В. Погорельский: «Акрил ва метакрил кислоталар асосида полиэлектролитларни олиниши ва уларнинг физик химиявий хоссаларини дисперс системаларга таъсирини ўрганиш» деган темада:

Б. Чаммадов: «Келхикум лутеум Бакер, Мерендера робуста Бге ва Мерендера Ноланпае Е. Чзеринак ўсимликларининг алкалоидларини текшириш. L—5 ва L—6 алкалоидларининг тузилиши» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан университет кутубхонаси (Студентлар шаҳарчасида танишиш мумкин.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1971 йил учун
«ПРАВДА»,
«СОЦИАЛИСТИЧЕСКАЯ ИНДУСТРИЯ»,
«ИЗВЕСТИЯ»,
«ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ГАЗЕТА»,
«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ»,
«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА»,
«ТРУД»,
«ЛИТЕРАТУРНАЯ ГАЗЕТА»
ва бошқа

МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАЛАРГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна—«Союзпечать» агентликлари ва алоқа бўлимларида қабул қилинади.

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

ТЕЛЕВИЗОР

3 ОКТЯБРЬ
ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида: 17,10 Болалар учун. «Қувноқ минутлар». 17.35 Болалар учун мультфильм. 17.55 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол эгалари». 19,00 «Ахборот» информацион программаси. 19.15 Эстрада шинавандалари. сизлар учун. 19,55 Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 «Ярим аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1954 йил ҳақидаги сериясн. 21,00 Янгиликлар. 21,05 Рангли телевидение. «Федра». Фильм-балет. 21,50 Киножурнал. 22.00 Француз республикаси президенти Ж. Помпиду билан суҳбат. 22,30 Интервидение. Симфоник куйлардан концерт. 23.30 «Вақт» информацион программаси. 00.40 «Кучук етаклаган аёл». Бадиий фильм. 02.05 Эстрада концерти. «Зангори экран» оркестрининг концерти. 03,05 Янгиликлар, кўрсатувлар программаси. 03.20 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КУРСАТАДИ

15,00 Меҳнат қаҳрамонларига шон-шарафлар! 16,00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 16.30 Рангли телевидение. «Временлик» машиқлар». Мультфильм. 17,00 Эфирда «Молодость». «Усталар шаҳри». 18.00 «Фан ва техника» факультети. 18.40 Янгиликлар. 18.45 Санъат факультети. «Коммунистик жамият янги кишисини гарбиялашда музиканинг роли». 19,30 «Цирк майдонида». Телефильм.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида: 20.00 Ўзбекистон ўлалари. 20.20 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 21,00 «Есенин лирикаси». Тугилган кунининг 75 йиллиги муносабати билан. 21.30 «Аршин мололон». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КУРСАТАДИ

18,00 Экран — болаларга 19.00 Янгиликлар. 19.15 Стандартлаштириш ва техника прогресси. 19.35. Музикали экран. 20.00 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ПОМИР» (Душанба) — «ҚАЙРАТ» (Олмаота). Ўйиннинг иккинчи тайми. 20,50 Оқшом эртаклари. 21.00 Сергей Есенин туғилган кунининг 75 йиллигига бағишланган адабий кўрсатув.

4 ОКТЯБРЬ
ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 10.00 Болалар учун мультфильм. 10.20 Пионерлар учун. «Янгра, барабан» программаси. 10.50 «Қилиан бобо ва мен». Бадиий фильм.

Узбек тилида: 12,10 Болалар учун кинофильм. 12.40 «Севимли саройимиз». 13.40 «Звёздочка киноальманахи». 14,30 КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА. «Замондас» программаси (қозоқ тилида). 16.55 Кўрсатувлар программаси. 17,00 Рус тилида «Ахборот» информацион программаси. 17.30 «Устоз ва мурабби», Ўқитувчилар кунига бағишланган кўрсатув. 18,30 «Тановар тароналари» Музикали лавҳа (такрорий кўрсатув). 19.20 «Ахборот» информацион программаси. 19.50 Пахтакорларнинг меҳнат рапортлари. 20.10 Пахта терими илғорлари учун концерт. 20.55 Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

21.05 Хоккей бўйича СССР биринчилиги. «ДИНАМО» (Москва)—«СПАРТАК». Танаффус вақтида янгиликлар. 23,25 Киносаёҳатчилар клуби. 00,25 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ
ПРОГРАММАСИ

10.00 Сиртдан ўқувчи студентлар учун чизма геометриядан ўзбек тилида машғулот. 11.00 Сиртдан ўқувчи студентлар учун чизма геометриядан рус тилида машғулот.

МОСКВА КУРСАТАДИ

12.00 Кўрсатувлар программаси. 12.05 Болалар учун эрталабки гимнастика машқлари. 12,15 Янгиликлар. 12.30 Ўқувчилар учун «Будильник». 13.00 Телевизион календарь. Бугун ўқитувчилар куни. 13.30 Владивосток телестудиясининг кўрсатувлари. 15.00 Ўсмирлар учун. Физика олимпиадасининг биринчи тури. 16.00 «Металлургларнинг янги касблари». Телеочерк. 16,15 Болалар учун. «Байрамда дарсга қўнғироқ». 17.15 Рангли телевидение. Мультфильм. 17.45 Ҳайвонлар оламида. 19,00 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун. «Маҳорат». 19.30 Музикали киоска. 20.00 Қишлоқ меҳнаткашларига. 20.30 Рус қўшиқлари ва романсларидан концерт. 21.00 Янгиликлар.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида: 21.05 «Салом, бу мен». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 17.00 Экран кичкинтойларга. 17,20 Телевизион фильм. 18,20 Ўқитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт. 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Киргиз тилида:** 19.05 Оламда нима гап? 19,15 Концерт. 20.45 ЎШ КУРСАТАДИ. 21.05 Қишлоқ ёшлари. 22.00 Бадиий фильм. 23,20 Кўрсатувлар программаси.

РАДИО

3 ОКТЯБРЬ
ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

16.10 Эстрада концерти. 17.20 Уйғур куйлари. 17,50 Озарбайжон ССРнинг 50 йиллиги муносабати билан. Озарбайжон халқ куйлари. 18.00 Чўлқуварлар учун концерт 18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19.20 Озарбайжон ССРнинг 50 йиллиги муносабати билан. Озарбайжон халқ куйлари. 20.00 «Ленинном» программаси (русча). 20.30 Шўх оҳанглар. 21.00 «Кардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). 21.10 «Карвон келади». Музикали адабий композиция. 22.20 «Шанба оқшомида». Концерт. 23,10 Дам олиш концерти. 24.00 Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Рус ерининг куйчиси». С. Есенин туғилган кунининг 75 йиллигига бағишланган эшиттириш (ўзбекча). 19,30 Ўзбекистон ўқувчиларининг ҳикоялари (русча). 20.00 Шашмақомдан парчалар. 20.30 Ватан ва партия ҳақида куйлаймиз. 20,50 «Қишлоқ хўжалигида фан ва тараққиёт» (русча). 21.00 «С. Есенин хотираси». Концерт. 21,40 «Олижаноб касб». Ўқитувчилар куни олдидан (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 А. Мухтор. «Давр менинг тақдиримда» радиопостановкаси (русча). 19.00 «Гулшан» радиожурнали.

Тошкент оқшоми 4 бет. 3 ОКТЯБРЬ, 1970 й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. Нашр 3122. Р—01842